

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

9-сон
(821)
2018 йил
5 март

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

152. «Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги ПҚ–3571-сон қарори
153. «Виночилик соҳасини ва алкогольли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги ПҚ–3573-сон қарори
154. «Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги ПҚ–3574-сон қарори

Бешинчи бўлим

155. Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 12 февралдаги 21, 4-сон «Махсус сўйиш корхоналарида ва майдончаларида чорва молларни сўйиш, чорва молларни сўйиш билан шуғулланувчи шахсларга рухсат берувчи гувоҳнома-ларни бериш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1611-3*)
157. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 31 январдаги 14-сон «Актуарий малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1725-2*)
159. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг 2018 йил 5 февралдаги 01/19-10/10-сон «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (9-сон МБМС) «Бизнес қийматини баҳолаш» иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2026-3*)
160. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 14 февралдаги 22-сон «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакли «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» — 2-сонли шакл — суғуртага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1945-5*)
161. Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлигининг 2018 йил 22 февралдаги 22, 5, К-2-сон «Бозорларда ва савдо шохобчаларида гўшт маҳсулотларини сотишга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1610-2*)
162. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитасининг 2018 йил 22 февралдаги 31, 2018-10-сон «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирли-*

ги томонидан 2018 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1749-3)

163. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 3, 164-мх-сон «Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2976)*)
164. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 5 февралдаги 01/19-10/09-сон «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (8-сон МБМС) «Хусусийлаштириш мақсадида мулк қийматини баҳолаш»нинг 52-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2025-3)*)
165. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2018 йил 12 февралдаги 26, 2, 01-33-сон «Трансйўлқурилиш» компанияси бажарган механизациялашган ишлар учун пудратчи ташкилотлар томонидан тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1797-1)*)
167. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 февралдаги 34-сон «Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240-3)*)
169. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 февралдаги 36-сон «Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2977)*)
170. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 15 февралдаги 25, 2018-09, 08/4-сон «Телекоммуникация хизматларидан олинadиган даромадларни шакллантириш ва тақсимлаш ва уларни «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бухгалтерия ҳисобида акс этириш тартиби тўғрисидаги низомни тас-

диклаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2268-1)

173. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 1 мартдаги 122-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 55-1)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 24 февралдан 2 мартгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

152 Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзлуксиз таълим ягона тизимининг муҳим бўғини сифатида мактабгача таълим тизимини янада тақомиллаштириш, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш, юқори малакали кадрларни, шу жумладан, ёш битирувчиларни жалб этиш, жамиятда давлат мактабгача таълим муассасалари педагогларининг нуфузини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг давлат мактабгача таълим муассасалари ходимлари айрим тоифаларининг:

а) 2018 йил 1 мартдан бошлаб — мудирлар, тарбиячилар, методистлар, ўқитувчилар, дефектологлар, психологлар, мусиқа раҳбарлари ва тарбиячининг ёрдамчилари меҳнатида ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини — 30 фоизга;

б) 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб:

тайёргарлик (5 ёшдан 6-7 ёшгача) гуруҳи тарбиячилари, олий маълумотли ўқитувчилар, дефектологлар, психологлар меҳнатида ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини, уларнинг базавий тариф ставкалари миқдорларини умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари ўқитувчиларининг базавий тариф ставкалари миқдорларига тенглаштирган ҳолда — 30 фоизга;

олий ёки ўрта махсус, касб-хунар педагогик маълумотли тарбиячининг ўринбосарлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини — 20 фоизга;

мактабгача таълим муассасалари мудирлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини — 10 фоизга табақалаштириб ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод, Касби, Миришкор, Қамаш, Чироқчи, Нишон, Яккабоғ ва Ғузор туманларида, Бухоро вилоятининг Олот, Шофиркон, Қоракўл, Пешку ва Ромитан туманларида, Сурхондарё вилоятининг Қизирик, Музработ, Олтинсой, Бойсун, Қумқўрғон, Узун, Сариосиё туманларида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларида болалар

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 февралда эълон қилинган.

сақлангани учун амалдаги ота-оналар тўлови миқдори 2023 йил 1 январга-ча бўлган муддатда икки барабар пасайтирилсин.

3. 2018 йил 1 мартдан бошлаб давлат мактабгача таълим муассасаларида тарбиячининг ёрдамчиси меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби базавий тариф ставкаларидан келиб чиқиб жорий этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2018 йилда ушбу қарорга мувофиқ давлат таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини ошириш бўйича қўшимча харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобига молиялаштирилишини таъминласин, 2019 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ушбу харажатларни назарда тутсин;

давлат мактабгача таълим муассасаларини моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармасини шакллантиришга қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг қатъий равишда 15 фоизи миқдорида қўшимча маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармаси маблағларидан мақсадли ва манзилли фойдаланилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин, давлат мактабгача таълим муассасалари харажатлари сметаларида улар алоҳида сатрда ажратилишини назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон қарорининг 32-иловасига иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва мактабгача таълим вазири А.В. Шин зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 февраль,
ПҚ-3571-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 28 февралдаги
ПҚ–3571-сонли қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ–3454-сонли қарорининг 32-иловасига киритиладиган ўзгартиришлар

Изоҳ қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«*) Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, Навоий вилоятининг Тандим, Учқудук, Конимех, Нурота туманлари ва Зарафшон шаҳри, Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод, Касби, Миришкор, Қамаш, Чирокчи, Нишон, Якқабоб ва Фузор туманларида, Бухоро вилоятининг Олот, Шофиркон, Қорақўл, Пешку ва Ромитан туманларида, Сурхондарё вилоятининг Қизирик, Музработ, Олтинсой, Бойсун, Қумқўрғон, Узун, Сариосиё туманларида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар томонидан ҳар ойда болалар таъминоти учун тўланадиган ҳақ миқдори ўрнатилган тарифнинг 50 фоизи миқдорида белгиланади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

153 **Виночилик соҳасини ва алкогольли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида***

Ўтган давр мобайнида хом ашё базасини яратиш ва ривожлантириш, сифатли ва рақобатбардош виночилик ва алкогольли маҳсулотларни (кейинги ўринларда алкогольли маҳсулотлар деб юритилади) реализация қилиш, экспорт салоҳиятини ошириб бориш, шунингдек, ушбу соҳага чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, тизимга оид бир қатор муаммолар ва камчиликлар соҳага алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотишнинг илғор технологияларини жорий этиш, экспорт салоҳиятининг барқа-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 мартда эълон қилинган.

роҳ ўсишини таъминлаш, соҳани бошқаришнинг самарали тизимини яратиш имконини бермаяпти, шу жумладан:

биринчидан, узумнинг техник навлари майдонларининг кескин қисқариб кетиши, уларни етиштириш бўйича илғор усулларнинг суҳт жорий этилиши, узумзорлар ҳосилдорлигининг пастлиги, шунингдек, фермер хўжаликларининг етарлича манфаатдор бўлмаслиги виночилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайиб кетиши ва қайта ишлаш қувватларидан самарасиз фойдаланишнинг тизимли сабабига айланди;

иккинчидан, озиқ-овқат этил спирти, пиво пишириш, ликёр-ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни янгилаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш бўйича қўлланаётган технологик сиёсат самарадорлигининг паст эканлиги, уларга мавжуд муаммоларни самарали ҳал этиш, шунингдек, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва мавжудларини модернизация қилишда қўмаклашиш имконини бермаяпти;

учинчидан, алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмларини истиқболли бошқаришнинг режали методи ишлаб чиқарувчиларга ишлаб чиқариш ҳажмини сотиш бозоридаги ишларнинг амалдаги ҳолатини ҳисобга олиб мустақил белгилаш, шунингдек, экспорт улушини ошириш ва миллий брендни хорижий бозорларга илғари суриш имконини бермаяпти;

тўртинчидан, алкоғолли маҳсулотларни автоматлаштирилган назорат қилиш ва ҳисобга олиш тизимлари татбиқ этилишининг паст даражадалиги сифатсиз ва сертификатлаштирилмаган алкоғолли маҳсулотлар айланмаси учун шарт-шароитлар яратмоқда;

бешинчидан, «Ўзвиносаноат-холдинг» АЖ таркибида соҳага оид бўлмаган корхона ва ташкилотларнинг мавжудлиги ортиқча молиявий харажатларга, шунингдек, уларнинг соҳадаги фаолияти самарадорлигининг камайишига олиб келмоқда;

олтинчидан, халқаро ҳамкорликнинг етарлича даражада бўлмаганлиги ишлаб чиқариш циклини такомиллаштириш учун малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш, алкоғолли маҳсулотларнинг маркетинг сиёсатини ва уларни брендлаштиришни кучайтириш, янги сотиш бозорларига олиб чиқиш имкониятларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилишни тубдан такомиллаштириш, соҳани бошқаришнинг илғор технологияларини жорий этиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ:

1. «Ўзвиносаноат-холдинг» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги ва Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

«Ўзвиносаноат-холдинг» АЖ ва унинг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини тегишлича «Ўзшаробсаноат» АЖ ва «Ўзшаробсаноат» АЖнинг Ривожлантириш жамғармаси деб қайта номлаш;

«Винагроимпекс» МЧЖни ўрнатилган тартибда тугатиш;
сохага оид бўлмаган корхоналарни «Ўзшаробсаноат» АЖ таркибидан 1-иловага* мувофиқ чиқариш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

2018 йилнинг 1 апрелидан виночилик маҳсулотлари учун яроқлилик муддатини белгилаш тўғрисидаги талаб истисно этилади ва бундай маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга уларни сақлаш муддатини мустақил белгилаш ҳуқуқи тақдим этилади;

2018 йилнинг 1 июлидан алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга ўз виночилик маҳсулотларини туристик йўналишларида ташкил этилган заводга тегишли дегустация ҳудудларида (жойларида) чакана реализация қилиш ҳуқуқи берилади;

2019 йилнинг 1 январидан табиий винолар, виноматериаллар ва коньяк спиртини ишлаб чиқариш, шунингдек, узумни қайта ишлаш бўйича фаолиятни узумнинг мева берувчи техник навларини етиштириш бўйича 100 гектардан кам бўлмаган плантация майдонида, шунингдек, вино-коньяк маҳсулотларининг сақланиши ва етилиши учун эман бочкаларига эга корхоналар, қонунчиликда назарда тутилган бошқа талабларга риоя қилган ҳолда, амалга оширишлари мумкин;

2019 йилнинг 1 январидан ўз узумзор плантацияларининг хом ашёсидан ишлаб чиқарилган табиий узум виноларини қишлоқ хўжалиги маҳсулоти тоифасига киритган ҳолда, ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни лицензиялаш бекор қилинади;

«Ўзшаробсаноат» АЖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекси таркибига киради;

узумнинг техник навларини етиштириш учун ер майдонларини ажратиш «Ўзшаробсаноат» АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда юқори ҳосил олиш учун зарур бўлган тупроқнинг унумдорлиги, сув билан таъминлаш манбаларининг мавжудлигини ҳисобга олиб амалга оширилади.

3. Узумнинг техник навларини етиштириш бўйича мавжуд узумзорлар инвентаризациясини ўтказиш ва виночилик соҳасини янада ривожлантириш бўйича таклифларни тайёрлаш бўйича Махсус комиссия (кейинги ўринларда — Махсус комиссия) 2-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

4. Махсус комиссия (С.Р. Холмуродов):

а) узумнинг техник навлари етиштириладиган, шу жумладан фермер хўжаликлари эгалигидаги узумзорларни жойига чиқиб вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) кесимида инвентаризация қилсин, улардан фойдаланишнинг оқилоналиги ва самарадорлик даражасини ўргансин;

б) инвентаризация яқунлари бўйича 2018 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республикада виночилик соҳасини янада ривожлантиришнинг 2018 — 2023 йилларга мўлжал-

* 1-2-илвалар берилмайди.

ланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори лойиҳасини киритсин, бунда:

узумнинг машхур ва истиқболли навларини етиштириш, кўпайтириш, қайта ишлаш соҳасида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини чуқур ўрганиш, виночилик соҳасида агротехник, карантин ва инновацион технологияларни ишлатиш;

хорижда виночилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган бозор механизмларини, шу жумладан ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи ўртасидаги кооперацияни, кластер моделини, уларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини белгилаган ҳолда жорий этиш;

республикада узумнинг жаҳон бозорида катта талабга эга генетик жиҳатдан янги, машхур ва истиқболли навларини, шу жумладан микроклонлаш услуги, шунингдек, узумнинг *in vitro* генофонди коллекцияларини яратиш йўли билан етиштириш;

агротехника ва карантин тадбирларини ўтказиш учун харажатларни камайтириш, ҳосилдорликни ошириш, шунингдек, 3-иловада* кўрсатилган ер майдонларидан узумни қайта ишлаш инфратузилмасини устувор ривожлантириш мақсадида узумнинг техник навлари экилган ҳар бир плантация майдонини камида 100 гектарга йириклаштириш;

«Ўзшаробсаноат» АЖ корхоналарига узумнинг техник навларини етиштириш учун ер участкаларини, шу жумладан узумнинг техник навларини етиштириш учун яроқли бўлган тоғолди ҳудудларидан ажратишга ва 2021 йилнинг охирига келиб «Ўзшаробсаноат» АЖ корхоналарининг плантацияларини, ушбу бандга мувофиқ уларни йириклаштиришни ҳисобга олган ҳолда, 10 минг гектарга етказиш;

республика ҳудудида виночилик ва узумчиликда ишлатиладиган техника ва ускуналарни ишлаб чиқариш бўйича қувватларни, шунингдек, ушбу соҳада агротехник воситаларни ишлаб чиқиш бўйича конструкторлик бюrolарини яратиш;

узумнинг техник навлари плантацияларида, уларнинг тупроқ спецификасини ҳисобга олган ҳолда, томчилатиб суғориш тизими жорий этилишини кенгайтириш;

экиш материалларини турли вируслар ва бактериялардан, шу жумладан микоплазмлар ва бактериал саратондан ҳимоя қилиш бўйича карантин чора-тадбирларини амалга ошириш;

виночилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни ёнилғи-мойлаш материаллари, ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг бошқа воситалари билан узумнинг техник навлари плантацияларини шакллантиришнинг биринчи беш йиллигида имтиёзли нархларда таъминлаш;

ишлаб чиқарувчи, ер участкаси, узумнинг ҳолати, нави, барпо этилган вақти, ҳосилдорлиги ва бошқа тавсифловчи кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган узумнинг техник навлари плантациясининг Ягона реестрини шакллантириш;

* 3-илова берилмайди.

экиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича комплексларни ва микроклонал кўпайтириш усули билан олинган узумнинг техник навларини кўпайтириш ва етиштириш учун питомникларни яратиш, улар томонидан мевали экинлар навлари мосланувчанлигини, ўсимликнинг экологик-генетик салоҳияти муҳит шарт-шароитларига мос келишини баҳолашнинг экспресс-методларини ўтказиш;

реконструкция қилинаётган ва янги яратилаётган узумнинг техник навлари плантацияларида фақат сертификатланган экиш материали экилишини таъминлаш;

виночилик ва узумчиликнинг ҳуқуқий асослари, уларни ривожлантириш бўйича давлат фаолиятининг асосий йўналишлари, виночилик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, реализация қилиш, уларнинг бозорда айланмасини ҳисобга олиш ва назорат қилиш масалалари, шунингдек, ушбу соҳадаги бошқа муҳим жиҳатларни батафсил белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикасининг «Виночилик ва узумчилик тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш каби муҳим вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратсин.

Махсус комиссияга унинг ишига вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари ва мутахассисларини, экспертларни, шу жумладан хорижий экспертларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари вакилларини қўйилган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Этил спирти, алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш бўйича республика комиссияси 2018 йилнинг 1 апрелигача амалдаги лицензия талабларини танқидий қайта кўриб чиқиш асосида алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш бўйича, шу жумладан ўткир алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича мавжуд бўлган йиллик ишлаб чиқариш қувватларини камида 60 фоиз ишлатиш тўғрисидаги талаблар эвазига бундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни квоталаш тизимини жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда истикболда узумнинг техник навлари плантацияларини жойлаштириш ва ушбу ҳудудларда кейинчалик ишлаб чиқариш объектларининг фаолиятини йўлга қўйишни ҳисобга олган ҳолда сув билан таъминлашнинг аниқ манбаларини аниқласин;

узумнинг техник навлари плантацияларининг ҳудудини сугориш учун сув қудуқларини бурғулаш учун рухсатнома беришга ҳар томонлама кўмаклашсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжали-

ги вазирлиги, «Ўзшаробсаноат» АЖ, М. Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, бошқа манфаатдор идоралар ва муассасалар билан биргаликда 2018 йилнинг 1 июнигача муддатда:

экиш материалларининг талабгир навларини импорт қилиш мақсадида, маҳаллий табиий-иқлим ва бошқа шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда, узумнинг машҳур техник навларини етиштириш ва кўпайтириш соҳасида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасидан, шу жумладан жойига чиқиб ўргансин;

ўрганиш яқунлари бўйича узумнинг машҳур техник навларини етиштириш ва кўпайтириш, шунингдек, республика ҳудудида экиш материалларининг машҳур навларини экиш бўйича замонавий ишлаб чиқариш комплексини йўлга қўйиш бўйича аниқ таклифларни Махсус комиссияга киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва «Ўзшаробсаноат» АЖ давлат ички тартиботларни тезлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин ва 2018 йилнинг 1 майгача муддатда Ўзбекистон Республикасининг Халқаро виночилик ва узумчилик ташкилотига кириш учун буюртмаси берилишини таъминласин.

9. Амалиётга:

мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар, хорижий туристлар, турли мамлакатларнинг виночилик соҳаси вакиллари, эксперт ва мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда ҳар йили республикада вино фестивали ва Халқаро дегустация танлови ўтказилиши;

маҳаллий виночилик маҳсулотларининг кўргазма-ярмаркаларини хорижий мамлакатларда мунтазам равишда ўтказилиши жорий этилсин.

«Ўзшаробсаноат» АЖ бир ой муддатда 2018 йилда Тошкент шаҳрида вино фестивали ва Халқаро дегустация танлови ўтказилиши тўғрисида Ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги доимий асосда «Ўзшаробсаноат» АЖга:

мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар, хорижий компаниялар ва муассасаларни кенг жалб этган ҳолда ҳар йили вино фестивали ва Халқаро дегустация танлови ўтказишда;

маҳаллий виночилик маҳсулотларининг кўргазма-ярмаркаларини хорижий мамлакатларда ўтказишда кўмаклашсин.

11. «Ўзшаробсаноат» АЖ:

ишлаб чиқариш циклини такомиллаштириш, маркетинг сиёсатини кучайтириш ва алкоғолли маҳсулотларни брендлаш, уларни янги сотиш бозорларига олиб чиқиш учун юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш;

мавжуд виночилик базасида иккиламчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни (узум ёғи, озиқ-овқат бўёқлари ва бошқа турдаги маҳсулотлар) чуқур қайта ишлашни жорий этиш;

«Ўзшаробсаноат» АЖ вино-коньяк корхоналарида винолар ва коньякларнинг сифатини янада яхшилаш ва экспорт қийматини ошириш, шунингдек,

вино материалларини сақлаш учун зангламайдиган пўлатдан сиғимлар ишлаб чиқариш мақсадида улар етилишига жойлаштириш учун эман сиғимлар паркини яратиш бўйича чоралар кўрсин.

12. Қўйидагилар:

узумнинг техник навларини ишлаб чиқарувчилар 2025 йилнинг 1 январига қадар муддатга, қишлоқ хўжалик экинларини қатор оралаб етиштиришдан қатъи назар, ер солигини тўлашдан;

виночилик корхоналари Ўзбекистон Республикасида етарли ҳажмларда ишлаб чиқарилмайдиган, виночилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган ва фойдаланиладиган материаллар, хом ашё, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва буюмлар белгиланган тартибда тасдиқландиган рўйхат асосида олиб кирилиши учун 2025 йилнинг 1 январига қадар божхона тўловларини (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

13. «Ўзшаробсаноат» АЖ зиммасига озиқ-овқат этил спирти, пиво пишириш, ликёр-ароқ, виночилик ва бошқа алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизация қилиш ва қайта техник жиҳозлаш бўйича кўмаклашиш юклатилсин.

14. Белгилаб қўйилсинки:

2019 йилнинг 1 январидан бошлаб пиво пишириш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўрнатилган тартибда «Ўзшаробсаноат» АЖ таркибига шартнома асосида уюшган аъзолар сифатида киритилиши мумкин;

«Ўзшаробсаноат» АЖ ўз улуши билан иштирок этадиган тижорат ташкилотлари фақат жамият кузатув кенгашининг қарори асосида акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилади;

«Ўзшаробсаноат» АЖ корхоналари томонидан алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмларини режалаштириш жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори асосида, талаб ва таклиф конъюнктураси таҳлили, тайёр маҳсулот қолдиқлари, шунингдек, тармоқни ривожлантириш концепциясини ҳисобга олиб амалга оширилади.

15. «Ўзшаробсаноат» АЖ ташкилий тузилмаси, шунингдек, бошқарув ходимларининг чекланган сони 74 нафар бўлган унинг ижро аппарати тузилмаси 4 ва 5-иловаларга* мувофиқ маъқуллансин.

«Ўзшаробсаноат» АЖ бошқаруви раисига зарур ҳолларда бошқарув ходимларининг белгиланган сони доирасида ижро аппарати тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

16. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзшаробсаноат» АЖ бошқарувининг раиси ва унинг ўринбосарлари жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан сайланади, лавозимига Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

17. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзшаробсаноат» АЖ Ўзбекистон Республикаси

* 4-5-иловалар берилмайди.

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Тошкент кимё-технология институтида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб виночилик соҳаси учун олий малакали кадрларни тайёрловчи факультетни тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш бўйича таклифлар киритсин.

18. Белгилаб қўйилсинки, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари виночилик соҳасида мутахассислик йўналишлари бўйича амалиётни тизимли асосда бевосита ишлаб чиқариш ва ўзга корхоналарда, шу жумладан «Ўзшаробсаноат» АЖда ўтайдилар.

19. «Ўзшаробсаноат» АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан Тошкент кимё-технология институти ҳузурида Виночилик соҳасида мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин, унинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, таълимнинг самарали интерактив услубларини қўллаб виночилик корхоналари ходимларининг билим ва кўникмалари даражасини ошириш;

виночилик иқтисодиётнинг устувор йўналиши ҳисобланган хорижий мамлакатларнинг виночилик корхоналари иш тажрибаси билан таништириш, шу жумладан у ерда мамлакат мутахассисларининг тажриба ўрганишини ташкил этиш, виночилик соҳасини ривожлантириш учун малакали хорижий экспертларни жалб этиш;

виночилик соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда маҳаллий ва хорижий илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасалар билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш, инновацион ёндашувлар асосида виночилик соҳаси ходимлари учун биргаликдаги ўқув машғулотлари ва курслари ўтказилишини ташкил этиш.

20. 2020 йилнинг 1 январидан барча алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар, уларни ишлаб чиқариш ҳажмлари (тури, номи ва бошқа маълумотлар) тўғрисида ҳамда «ишлаб чиқарувчи — улгуржи сотувчи — чакана сотувчи — истеъмолчи» ҳалқаси асосида реализация қилиниши тўғрисида батафсил ахборотни ўзида жамлаган алкоғолли маҳсулотлар ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ахборот тизими (кейинги ўринларда — ахборот тизими) тузилсин ва жорий этилсин, бунда қўйидагилар кўзда тутилсин:

ахборот тизими «UZINFOCOM давлат ахборот тизимларини яратиш ва қувватлаб туриш бўйича ягона интегратор» томонидан ишлаб чиқилиши;

ахборот тизими ишлаб чиқилишини молиявий таъминлаш манбалари — 50 фоизи Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ва 50 фоизи «Ўзшаробсаноат» АЖ Ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзшаробсаноат» АЖ, бошқа манфаатдор

вазирликлар ва идоралар мутахассисларидан иборат ахборот тизими яратилиши ва жорий этилишини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро ишчи гуруҳини шакллантириш.

Ахборот тизимига уланишнинг охириги муддатлари қўйидагича белгилансин:

«Ўзшаробсаноат» АЖ улуши 51 фоиз ва ундан кўпроқни ташкил қилувчи алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар учун — 2022 йилнинг 1 январигача;

алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи бошқа корхоналар учун — 2022 йилнинг 1 июнигача;

«Шаробсавдо» ихтисослашган улгуржи савдо базалари учун — 2022 йилнинг 1 октябргача;

алкоголли маҳсулотларнинг чакана савдоси билан шуғулланувчи юридик шахслар учун — 2022 йилнинг 1 декабргача.

21. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти корхоналарнинг ахборот тизимига ўз вақтида ва тўлиқ уланиши устидан тизимли назоратни амалга оширсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йилнинг 1 июнигача муддатда:

хорижий амалиёт ва алкогольли маҳсулотлар бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, «Шаробсавдо» ихтисослашган улгуржи савдо базаларининг фаолиятини танқидий ўрганиш натижалари бўйича алкогольли маҳсулотларни реализация қилишнинг бозор механизмларини кенгайтириш бўйича, шу жумладан ишлаб чиқарувчиларга ўзларининг маҳсулотларини уларга тегишли бўлган фирма дўконлари ҳамда ушбу маҳсулотларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланаётган бошқа юридик шахсларга реализация қилиш ҳуқуқини бериш орқали таклифлар киритсин;

«Ўзшаробсаноат» АЖ Ривожланиш фонди ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан 2018 — 2023 йиллар учун хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида виночилик ва узумчилик соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича Дастур киритсин, бунда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакани ошириш курсларини тугатгандан сўнг мутахассислар учун меҳнат фаолиятини «Ўзшаробсаноат» АЖ корхоналарида давом эттириш бўйича мажбуриятлар белгилаб қўйилсин;

хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда виночилик маҳсулотларини реклама қилишда чекловларни қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритсин;

алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича корхоналарда молиявий инспекторларнинг фаолияти танқидий ўрганилишини ташкил этсин, бунда уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таъсирчан чораларни кўрсин;

«Ўзшаробсаноат» АЖ корхоналари томонидан энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш ва кенгайтириш Дастурини тасдиқласин.

23. Ҳисоб палатаси «Ўзшаробсаноат» АЖ, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда 2018 йилнинг 1 августига қадар «Ўзшаробсаноат» АЖ корхоналарининг бандлиги, штат бирликлари, харажатларнинг оқилоналиги, ташкилий тузилмаларини танқидий ўргансин ҳамда уларни мақбуллаштириш ва харажатларни камайтириш, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини яхшилаш мақсадида фаолият самарадорлигини янада ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки виночилик соҳасини ривожлантириш мақсадида узумнинг техник навлари плантациялари учун ускуналар, техника, бутловчи ашёлар ва бошқа зарур воситаларни сотиб олиш мақсадида амалдаги қайта молиялаш фоиз ставкалари асосида имтиёзли муддати беш йилдан кам бўлмаган узоқ муддатли етти йиллик имтиёзли кредитлар ажратилишини таъминласин.

25. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти икки ой муддатда таълим, спорт муассасалари ва диний муассасалардан беш юз метрдан кам радиусда алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини реализация қилаётган субъектларни аниқлаш бўйича чакана савдо объектларини инвентаризациядан ўтказсин.

26. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ҳокимлари «Ўзшаробсаноат» АЖга мазкур қарорда назарда тутилган чоратадбирларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашсин.

27. «Ўзшаробсаноат» АЖ Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддат ичида қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

28. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р. Холмуродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 февраль,
ПҚ-3573-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**154 Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Бозор муносабатларини кенг жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалигида молиялаштириш ва ўзаро ҳисоб-китоблар механизмларини тубдан такомиллаштириш, шу асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш, рентабеллигини ошириш, етиштирилаётган маҳсулот ҳажмлари барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти ва «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг:

а) 2018 йил 1 мартдан бошлаб ишлаб чиқарувчиларнинг рентабеллиги ошишини ва юқори сифатли маҳсулотлар етиштиришни рағбатлантиришни таъминлайдиган навлар ва класслар бўйича пахта хом ашёси ва бошоқли дон хариди юзасидан кафолатланган давлат нархларини белгилаш;

б) тупроқ унумдорлиги паст ва охириги 3 йил мобайнида ҳосилдорлик гектарига 15 центнергача бўлган ерларда пахта хом ашёсига давлат буюртмасини жойлаштирмаслик тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг таклифлари асосида ушбу бандга мувофиқ бўшайдиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини, энг аввало, озуқа ва мойли экинларни жойлаштириш, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисида икки ҳафта муддатда Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

2. Белгилансинки:

пахта хом ашёси ва бошоқли дон учун узил-кесил ҳисоб-китоблар ҳосил йиғиштириладиган йилнинг охиригача тўлиқ ҳажмда амалга оширилади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга ва автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларига тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотиш учун дизель ёқилғиси ва ЭКО дизель ёқилғисининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ягона чакана нархлари 2018 йил охиригача бўлган даврда амал қилади;

минерал ўғитларни сотиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган алоҳида шартлар ҳисобга олинган ҳолда биржа савдоларида амалга оширилади;

фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос аг-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 2 мартда эълон қилинган.

регатлари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси қиймати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиладиган тартибда Давлат бюджетидан субсидиялар ҳисобига қопланади.

3. Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжаликларининг хизмат кўрсатувчи ташкилотлар олдидаги 2018 йил 1 январдаги ҳолатига кўра ҳосил бўлган қарзларини, шу жумладан, ички тармоқ қарздорлиги ҳамда бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги қарзларини тўлаш муддати ҳисобланган пеня ва жарималар ҳисобдан чиқарилган ҳолда 3 йил муддатга узайтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштирадиган фермер хўжаликларининг бюджет, давлат мақсадли жамғармалари, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар олдидаги 2018 йил 1 январдаги ҳолатига кўра ҳосил бўлган қарзлари, шу жумладан, ички тармоқ қарзлари бир ой муддатда ялпи хатловдан ўтказилишини, шунингдек, уни тартибга солиш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармасини Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) айлантириш ва уни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасарруфига бериш;

пахта толасига жаҳон нархларининг кескин пасайиши эҳтимоли учун пахта толасига прејскурант ва жаҳон нархлари ўртасидаги ижобий тафовут суммаси ҳисобига Жамғарманинг суғурта ҳисобрақамини шакллантириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда: навлар ва класслар бўйича пахта хом ашёси ва бошоқли дон харидининг давлат томонидан қафолатланган нархларини тасдиқлашни;

минерал ўғитларни биржа савдоларида сотишнинг махсус шартларини; фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос агрегатлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартибини;

2018 йил ҳосили пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштириш бўйича агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш учун Жамғармадан ажратиладиган кредит ресурслари ҳажмларини туманлар бўйича белгилашни;

молиявий ресурслар ажратилиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун зарур бўлган ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, кимёвий ҳимоя воситалари ҳамда бошқа ресурслар ва хизматлар ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда етказиб берилиши, тузилган шартномалар шартларига риоя этилиши, шунингдек, ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши ва ажратиладиган кредит ресурслари қайтарилиши

юзасидан жавобгарликнинг аниқ соҳалари ҳамда назорат механизмлари белгиланишини;

Жамғарма фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирларини;

биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришни ҳисобга олган ҳолда 2018 йилда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ва сотиш балансини тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

6. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга минерал ўғитлар сотувчи корхоналар учун 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда ягона солиқ тўлови ставкаси 2 фоиз миқдорда белгилансин.

7. Тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан олиб келинадиган фосфорли ўғитлар, шунингдек, фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган фосфорит хом ашё 2021 йил 1 январгача бўлган муддатда божхона тўловларидан озод қилинсин, божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда:

«Агробанк» АТБга давлат харидларининг назарда тутилган ҳажмларидан ортиқча бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжаликларига кредитлар ажратиш учун йиллик 5 фоиз ставка бўйича депозитга 150 миллиард сўм миқдорида йиллик 10 фоизгача ставка бўйича маблағлар жойлаштирилишини;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетида ва вилоятларнинг маҳаллий бюджетида паст ҳосилли ерларда пахта хом ашёси етиштирувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун зарарқундаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилнинг сақланиши бўйича харажатларни қоплашга республика бюджетида назарда тутилган маблағлар ҳисобига 100 миллиард сўм миқдорида маблағлар шакллантирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси (М. Икрамов) ҳар бир ҳудуд бўйича масъул ходимлар белгиланган ҳолда Жамғарма маблағлари ўз вақтида ажратилиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли назоратни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва «Агробанк» АТБ бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ пахта хом ашёси ва бошоқли дон харид қилиш учун маблағлар ўз вақтида ажратилиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши устидан реал вақт режимида назорат қилиш имконини берадиган Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг «Агробанк» АТБнинг маълумотлар базасидан фойдаланишини таъминласинлар.

10. Чора-тадбирлар сўзсиз амалга оширилишини ва Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни ўз вақтида молиялаштириш бўйича талабларга сўзсиз риоя қилинишини, уларга минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материалларининг зарур ҳажмлари етказиб берилишини таъминлаш, шунингдек, уларга нархлар спекулятив тарзда ўсиб кетишига йўл қўймаслик учун Бош прокурор О.Б. Муродов, Бош вазирнинг ўринбосарлари З.Т. Мирзаев,

Ж.А. Қўчқоров, А.С. Султанов, Н.С. Отажонов, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси М.М. Икрамовга шахсий масъулият белгилансин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан икки ҳафта муддатда таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси М.М. Икрамов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 февраль,
ПҚ-3574-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

155 «Махсус сўйиш корхоналарида ва майдончаларида чорва молларни сўйиш, чорва молларни сўйиш билан шуғулланувчи шахсларга рухсат берувчи гувоҳномаларни бериш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1611-3

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги ва «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 139-сон «Давлат ветеринария хизмати тизимида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат ветеринария
қўмитаси раиси в. б.**

Б. НОРҚОБИЛОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 февраль,
21-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 февралда эълон қилинган.

Соғлиқни сақлаш вазيري**А. ШАДМАНОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 12 февраль
4-сон

Келишилди:

*Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси*

Р. ГУЛЯМОВ

2018 йил 12 февраль

Ўзбекистон Республикаси
Давлат ветеринария қўмитаси ҳамда
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил
12 февралдаги 21 ва 4-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2006 йил 13 июлдаги 6/1 ва 5-сон «Махсус сўйиш корхоналарида ва майдончаларида чорва молларни сўйиш, чорва молларни сўйиш билан шуғулланувчи шахсларга рухсат берувчи гувоҳномаларни бериш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1611, 2006 йил 10 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 31-32-сон, 329-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 14 мартдаги 2/1 ва 8-сон «Махсус сўйиш корхоналарида ва майдончаларида чорва молларни сўйиш, чорва молларни сўйиш билан шуғулланувчи шахсларга рухсат берувчи гувоҳномаларни бериш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 69-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1611-1, 2013 йил 2 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 14-сон, 192-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 2 июлдаги 4 ва 12-сон «Махсус сўйиш корхоналарида ва майдончаларида чорва молларни сўйиш, чорва молларни сўйиш билан шуғулланувчи шахсларга рухсат берувчи гувоҳномаларни бериш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1611-2, 2014 йил 11 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 28-сон, 353-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**157** **Актуарий малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1725-2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2007 йил 6 сентябрдаги 82-сон буйруғи (рўйхат рақами 1725, 2007 йил 10 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 41-42-сон, 423-модда) билан тасдиқланган Актуарий малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 31 январь,
14-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2018 йил 31 январдаги
14-сон буйруғига
ИЛОВА

**Актуарий малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 4-банднинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ олий таълим йўналишлари ва ихтисосликларидан бири бўйича Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг олий

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 февралда эълон қилинган.

таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий маълумотга эга бўлиш ёхуд Ўзбекистон Республикасида ёки хорижий давлатларда (қонун ҳужжатларига мувофиқ нострификациядан ўтган тақдирда) олинган физика-математика ёки иқтисодиёт фанлари бўйича илмий даражага эга бўлиш;».

2. 5-банднинг «б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) олий маълумот тўғрисидаги диплом ёхуд физика-математика, иқтисодиёт фанлари бўйича илмий даража олганлиги тўғрисидаги ҳужжат (нусхаси олиниб, асли қайтарилди) ёхуд олий маълумот ёки илмий даража тўғрисидаги хорижий ҳужжатнинг эквивалентлигини тан олиш тўғрисидаги ваколатли давлат органи гувоҳномаси (нусхаси олиниб, асли қайтарилди);».

3. 1-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси билан келишилган.

**Ўзбекистон суғурта бозори
профессионал иштирокчилари
уюшмаси бош директори**

Ф. ИМИНОВ

2018 йил 31 январь

Актуарий малака сертификатини бериш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Актуарий малака сертификатини бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Олий таълим йўналишлари ва ихтисосликлари РЎЙХАТИ

1. Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
2. Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
3. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)
4. Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
5. Молия
6. Банк иши
7. Суғурта иши
8. Математика
9. Амалий математика ва информатика.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН
КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

159 Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий
стандарти (9-сон МБМС) «Бизнес қийматини баҳо-
лаш» иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2026-3*

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-454-сон «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 6 октябрдаги 01/19-18/19-сон қарори (рўйхат рақами 2026, 2009 йил 28 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 44-сон, 475-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (9-сон МБМС) «Бизнес қийматини баҳолаш» иловаси 33-бандининг ўттиз учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«агар улар миллий бухгалтерия ҳисоби стандартларида белгиланган активлар ва мажбуриятларни тан олиш мезонларига жавоб бермаса, уларнинг қиймати тўланадиган фойда солиғи (муддати кечиктирилган даромадлар учун) ёки ушбу солиқдан тежалган сумма (муддати кечиктирилган харажатлар учун) бўйича ҳисобланади. Бунда, тўланиши керак бўлган солиқ ёки унинг тежаш суммаси ушбу солиқнинг амалдаги ставкасини кечиктирилган харажатлар ва даромадларнинг баланс қийматига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади;».

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 5 февраль,
01/19-10/10-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

160 Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакли «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» — 2-сонли шакл — суғуртага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1945-5

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 19 мартдаги 37-сон «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1945, 2009 йил 20 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 17-сон, 217-модда) билан тасдиқланган суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакли «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» — 2-сонли шакл — суғуртага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 февраль,
22-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2018 йил 14 февралдаги
22-сон буйруғига
ИЛОВА

**Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакли
«Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» — 2-сонли
шакл — суғуртага киритилаётган ўзгартиришлар**

- 350 сатр чиқариб ташлансин;
- 460 сатр қуйидаги тахрирда баён этилсин:

| | | | | |
|---|-----|--|--|----|
| « Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар Обязательные отчисления в государственные целевые фонды | 460 | | | »; |
|---|-----|--|--|----|

- 470 ва 480 сатрлар чиқариб ташлансин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

161 «Бозорларда ва савдо шохобчаларида гўшт маҳсулотларини сотишга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1610-2

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги ва «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 139-сон «Давлат ветеринария хизмати тизимида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлиги **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат ветеринария
қўмитаси раиси в. б.**

Б. НОРҚОБИЛОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 февраль,
22-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 февраль,
5-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 февралда эълон қилинган.

**«Ўзстандарт» агентлиги
бош директори**

А. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 февраль,
К-2-сон

Келишилди:

*Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси*

Р. ГУЛЯМОВ

2018 йил 22 февраль

Ўзбекистон Республикаси
Давлат ветеринария қўмитаси, Соғлиқни
сақлаш вазирлиги ҳамда «Ўзстандарт»
агентлигининг 2018 йил 22 февралдаги
22, 5 ва К-2-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Ўзстандарт» агентлигининг 2006 йил 13 июлдаги 6/2, 4 ва 255-сон «Бозорларда ва савдо шохобчаларида гўшт маҳсулотларини сотишга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1610, 2006 йил 10 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 31-32-сон, 328-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Ўзстандарт» агентлигининг 2013 йил 25 мартдаги 3/1, 11 ва 105-сон «Бозорларда ва савдо шохобчаларида гўшт маҳсулотларини сотишга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1610-1, 2013 йил 22 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 226-модда).

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**162 Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш
учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтка-
зиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш
киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1749-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабр-
даги 1001-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси
Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка
қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-
сида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)»ги қарорига мувофиқ
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор
қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмита-
сининг 2007 йил 17 декабрдаги 108 ва 2007-63-сон қарори (рўйхат рақами
1749, 2007 йил 17 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари
тўплами, 2007 й., 50-51-сон, 530-модда) билан тасдиқланган Солиқ масла-
ҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил
этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни 5-бандининг «б» ва «в» ки-
чик бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) олий маълумот тўғрисидаги диплом ёхуд ваколатли давлат органи-
нинг хорижий таълим муассасасида олинган олий маълумот тўғрисидаги
ҳужжатнинг эквивалентлигини эътироф этиш тўғрисидаги гувоҳномаси (нус-
халар олинади, асллари қайтарилади);

в) меҳнат дафтарчаси (нусха олинади, асли қайтарилади) ёки иш жойида
тасдиқланган нусхаси;».

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 февраль,
31-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 фев-
ралда эълон қилинган.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 февраль,
2018-10-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**163 Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш
тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2976*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги ПФ-5278-сон «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Давлат хизматлари ягона реестри иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Адлия вазирининг
биринчи ўринбосари**

Н. ЖЎРАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 февраль,
3-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 мартда эълон қилинган.

**Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

А. АХМЕДХАДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 февраль,
164-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил
28 февралдаги 3, 164-мҲ-сон қарорига
ИЛОВА

Давлат хизматларининг
ЯҒОНА РЕЕСТРИ

| Т/р | Давлат хизматлари реестри рақами | Давлат хизматининг номи | Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли органнинг номи | Давлат хизмати кўрсатилаётган ариза берувчилар тоифалари | Давлат хизмати кўрсатиш шакли (анъанавий ва электрон шаклда) | Тўлов тури | Давлат хизмати кўрсатиш натижаси |
|-----|----------------------------------|---|--|--|--|------------|----------------------------------|
| 001 | | Соғлиқни сақлаш соҳасида | | | | | |
| 1. | 0011 | Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Лицензия |
| 2. | 0012 | Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш, олиб чиқишга сертификат | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Сертификат |
| 3. | 0013 | Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ёпиқ турдаги божхона омборига жойлаштириш ҳуқуқига рухсатнома | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Рухсатнома |
| 4. | 0014 | Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказишга рухсатнома | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Рухсатнома |
| 5. | 0015 | Дори воситалари ва тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Гувоҳнома |
| 6. | 0016 | 16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш ҳақида тиббий хулоса | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Жисмоний шахс | Анъанавий | Бепул | Хулоса |
| 7. | 0017 | Протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачаларга муҳтожлик тўғрисида тиббий хулоса | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Жисмоний шахс | Анъанавий | Бепул | Хулоса |

| Т/р | Давлат хизматлари реестри рақами | Давлат хизматининг номи | Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли органнинг номи | Давлат хизмати кўрсатилаётган ариза берувчилар тоифалари | Давлат хизмати кўрсатиш шакли (анъанавий ва электрон шаклда) | Тўлов тури | Давлат хизмати кўрсатиш натижаси |
|-----|----------------------------------|--|--|--|--|------------|----------------------------------|
| 8. | 0018 | Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига санитария-эпидемиологик хулоса | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Юридик шахс | Анъанавий | Бепул | Санитария-эпидемиологик хулоса |
| 9. | 0019 | Перинатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Жисмоний шахс | Анъанавий | Бепул | Гувоҳнома |
| 10. | 00110 | Ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Жисмоний шахс | Анъанавий | Бепул | Гувоҳнома |
| 11. | 00111 | Тугилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Жисмоний шахс | Анъанавий | Бепул | Маълумотнома |
| 12. | 00112 | Фармацевтика фаолиятини (дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш бундан мустасно) лицензиялаш | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Лицензия |
| 13. | 00113 | Тиббий фаолиятни лицензиялаш | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Юридик шахс | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Лицензия |
| 14. | 00114 | Янги микроорганизмлар, вируслар ва шакллар ҳосил қилишга ва фойдаланишга, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикасига олиб келишга хулоса | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Юридик шахс | Анъанавий | Бепул | Хулоса |
| 15. | 00115 | Ишлаб чиқариладиган ва четдан келтириладиган маҳсулотларга санитар-эпидемиологик хулоса | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Пуллик | Хулоса |
| 16. | 00116 | Одамнинг иммунитет танқислиги вирусига мавжуд эмаслиги тўғрисида сертификат бериш | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Жисмоний шахс | Анъанавий | Пуллик | Сертификат |
| 17. | 00117 | Янги озиқ-овқат қўшимчаларини олиб кириш ва ишлаб чиқаришга рухсатнома | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Бепул | Рухсатнома |
| 18. | 00118 | Янги кимёвий моддалар, биологик воситалар ва материаллар, полимер ва пластик массалар, парфюмерия-косметика воситаларини олиб кириш ҳамда ишлаб чиқаришга рухсатнома | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Бепул | Рухсатнома |

| Т/р | Давлат хизматлари реестри рақами | Давлат хизматининг номи | Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли органнинг номи | Давлат хизмати кўрсатилаётган ариза берувчилар тоифалари | Давлат хизмати кўрсатиш шакли (анъанавий ва электрон шаклда) | Тўлов тури | Давлат хизмати кўрсатиш натижаси |
|------------|----------------------------------|---|---|--|--|------------|----------------------------------|
| 19. | 00119 | Янги махсус киритиладиган биологик актив моддаларни олиб кириш ва ишлаб чиқаришга рухсатнома | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Бепул | Рухсатнома |
| 20. | 00120 | Вояга етмаганлар учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилишга рухсатнома | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Рухсатнома |
| 21. | 00121 | Тургун савдо шохобчасининг санитария талабларига мувофиқлиги тўғрисида санитария хулосаси | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Бепул | Хулоса |
| 22. | 00122 | Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни лицензиялаш | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Юридик шахс | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Лицензия |
| 002 | | Фуқаролик ва миграция соҳасида | | | | | |
| 23. | 0021 | Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг қарамоғидаги онла аъзоларини аккредитациядан ўтказиш | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Аккредитация карточкаси |
| 24. | 0022 | Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча прописка қилиш | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги | Жисмоний шахс | Анъанавий | Пуллик | Рухсатнома |
| 25. | 0023 | Хорижий фуқароларга ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш учун рухсатномалар бериш | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | Жисмоний шахс | Анъанавий | Пуллик | Рухсатнома |
| 26. | 0024 | Консуллик муассасаларида доимий консуллик ҳисобида турувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортларни расмийлаштириш, алмаштириб бериш | Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва хориждаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари | Жисмоний шахс | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Паспорт |
| 27. | 0025 | Консуллик муассасаларида доимий консуллик ҳисобида турувчи Ўзбекистон Республикаси | Хориждаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари | Жисмоний шахс | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Стикерни расмийлаштириш |

| Т/р | Давлат хизматлари реестри рақами | Давлат хизматининг номи | Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли органнинг номи | Давлат хизмати кўрсатилаётган ариза берувчилар тоифалари | Давлат хизмати кўрсатиш шакли (анъанавий ва электрон шаклда) | Тўлов тури | Давлат хизмати кўрсатиш натижаси |
|------------|----------------------------------|---|---|--|--|------------|---|
| | | фуқароларига чет элга чиқиш учун стикерни расмийлаштириш | ва консуллик муассасалари | | | | |
| 28. | 0026 | Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги | Жисмоний шахс | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Паспорт |
| 29. | 0027 | Йўқолган ва яроқсиз ҳолга келган биометрик паспорт ўрнига янги биометрик паспортни расмийлаштириш | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги | Жисмоний шахс | Анъанавий | Пуллик | Паспорт |
| 30. | 0028 | Хорижга чиқиш учун рухсатнома (стикер) ёзуви | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги | Жисмоний шахс | Анъанавий | Пуллик | Рухсатнома |
| 31. | 0029 | Доимий ва вақтинча консуллик ҳисобига қўйиш | Хориждаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари | Жисмоний шахс | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Консуллик ҳисобига олиш, паспортга тегишли штампларни қўйиш |
| 32. | 00210 | Ўзбекистон Республикасига кириш визаларини расмийлаштириш учун ҳужжатларни қабул қилиш | Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва хориждаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари | Жисмоний шахс | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Визани олиш |
| 33. | 00211 | Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги | Жисмоний шахс | Анъанавий | Пуллик | Рухсатнома |
| 003 | | Кўчмас мулк соҳасида | | | | | |
| 34. | 0031 | Баҳоловчи малака сертификати | Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси | Жисмоний шахс | Анъанавий | Пуллик | Сертификат |
| 35. | 0032 | Риэлтор малака сертификати | Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси | Жисмоний шахс | Анъанавий | Бепул | Сертификат |
| 36. | 0033 | Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш | Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва | Жисмоний шахс | Анъанавий | Пуллик | Лицензия |

| Т/р | Давлат хизматлари реестри рақами | Давлат хизматининг номи | Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли органнинг номи | Давлат хизмати кўрсатилаётган ариза берувчилар тоифалари | Давлат хизмати кўрсатиш шакли (анъанавий ва электрон шаклда) | Тўлов тури | Давлат хизмати кўрсатиш натижаси |
|------------|----------------------------------|---|---|--|--|------------|----------------------------------|
| | | | рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси | | | | |
| 37. | 0034 | Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш | Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Пуллик | Лицензия |
| 004 | | Экология, ўрмон, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида | | | | | |
| 38. | 0041 | Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига импорт қилишга ва Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилишга рухсатнома | Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Рухсатнома |
| 39. | 0042 | Ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш учун ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқига лицензия | Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Пуллик | Лицензия |
| 40. | 0043 | Ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, зоология коллекциялари, трофейлар, тулумларни олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома | Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Рухсатнома |
| 41. | 0044 | Ёввойи ўсимликларни, уларнинг қисмларини олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома | Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Рухсатнома |
| 42. | 0045 | Ёввойи ҳайвонларни овлашга рухсатнома | Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Рухсатнома |
| 43. | 0046 | Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ҳайвон турларини табиий муҳитдан ажратиб олишга рухсатнома | Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Рухсатнома |

| Т/р | Давлат хизматлари реестри рақами | Давлат хизматининг номи | Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли органнинг номи | Давлат хизмати кўрсатилаётган ариза берувчилар тоифалари | Давлат хизмати кўрсатиш шакли (анъанавий ва электрон шаклда) | Тўлов тури | Давлат хизмати кўрсатиш натижаси |
|-----|----------------------------------|--|--|--|--|------------|----------------------------------|
| 44. | 0047 | Ёввойи ҳайвонларни тутқунликда сақлашга рухсатнома | Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Рухсатнома |
| 45. | 0048 | Ёввойи ҳайвонларни сақлаш ва урчитиш бўйича питомникларнинг, шунингдек зоология коллекцияларининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома | Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Гувоҳнома |
| 46. | 0049 | Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган «М2», «М3» ва «№ 2» тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш | Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Пуллик | Сертификат |
| 47. | 00410 | Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ўсимлик турларини табиий муҳитдан ғамлашга (тўплашга), олишга рухсатномалар | Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Рухсатнома |
| 48. | 00411 | Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун — ўрмон фонди ерларида Қизил китобга киритилмаган ўсимлик турларини табиий муҳитдан олишга/теришга (йиғишга)га рухсатнома | Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Рухсатнома |
| 49. | 00412 | Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома | Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Бепул | Рухсатнома |

| Т/р | Давлат хизматлари реестри рақами | Давлат хизматининг номи | Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли органнинг номи | Давлат хизмати кўрсатилаётган ариза берувчилар тоифалари | Давлат хизмати кўрсатиш шакли (анъанавий ва электрон шаклда) | Тўлов тури | Давлат хизмати кўрсатиш натижаси |
|-----|----------------------------------|---|--|--|--|------------|----------------------------------|
| 50. | 00413 | Ўрмон фондига кирмайдиган дарахтзор ва бутазорларни кесишга рухсатнома | Маҳаллий давлат ҳокимият органлари | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Пуллик | Рухсатнома |
| 51. | 00414 | Бинолар ва иншоотларга ва кўп йиллик дарахтзорларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномаси | Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Бепул | Гувоҳнома |
| 52. | 00415 | Сотилаётган маҳсулотнинг ветеринария қонда ва нормалари талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ветеринария хулосаси | Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Бепул | Хулоса |
| 53. | 00416 | Ихтисослашган сўйиш корхоналарининг ветеринария, ветеринария-санитария қондалари ва меъёрларига мувофиқлиги ҳақида ветеринария-санитария хулосаси | Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси | Тадбиркорлик субъекти | Анъанавий | Бепул | Хулоса |
| 54. | 00417 | Ветеринария сертификати | Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Пуллик | Сертификат |
| 55. | 00418 | Ветеринария фаолиятини лицензиялаш | Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Пуллик | Лицензия |
| 56. | 00419 | Ер ости сувларига қудуқларни бургулаш учун рухсатнома | Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси | Юридик шахс | Анъанавий | Бепул | Рухсатнома |
| 57. | 00420 | Асалари уялари ва қутиларини жойлаштириш учун давлат ўрмон фондидан участкалар ажратишга рухсатнома | Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Рухсатнома |
| 58. | 00421 | Давлат ўрмон фондига кирмайдиган захира ерларда пичан ўриш ва мол боқиш учун рухсатнома | Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси (давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан — ўрмон фонди ерларидан), маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (захира ерларда) | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Рухсатнома |

| Т/р | Давлат хизматлари реестри рақами | Давлат хизматининг номи | Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли органининг номи | Давлат хизмати кўрсатилаётган ариза берувчилар тоифалари | Давлат хизмати кўрсатиш шакли (анъанавий ва электрон шаклда) | Тўлов тури | Давлат хизмати кўрсатиш натижаси |
|-----|----------------------------------|---|--|--|--|------------|----------------------------------|
| 59. | 00422 | Уруғлар, дуккакли, мойли экинларни ва бошқа дон экинларини қайта ишлашга сертификат | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Сертификат |
| 60. | 00423 | Мол сўйишни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномаси | Туман (шаҳар) ҳокимликлари | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Бепул | Гувоҳнома |
| 61. | 00424 | Сув олиш тармоғининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома | Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Бепул | Гувоҳнома |
| 62. | 00425 | Техник чигитни сифат ва хавфсизлик бўйича сертификатлаштириш | Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳузуридаги Ўзбекистон пахта маҳсулотларини сертификатлаш «Сифат» маркази» давлат корхонаси | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Сертификат |
| 63. | 00426 | Пахта толасини сертификатлаштириш | Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳузуридаги Ўзбекистон пахта маҳсулотларини сертификатлаш «Сифат» маркази» давлат корхонаси | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Сертификат |
| 64. | 00427 | Пахта, кийим-кечак ҳамда мебелбоп момикни сертификатлаштириш | Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳузуридаги Ўзбекистон пахта маҳсулотларини сертификатлаш «Сифат» маркази» давлат корхонаси | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Сертификат |
| 65. | 00428 | Сув ресурсларидан фойдаланиш ва дренаж-оқова сувларини оқизиб юбориш билан боғлиқ янги корхоналар куриш ва фаолият юритаётган корхоналарни реконструкция қилиш лойиҳасини келишиш | Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Бепул | Келишиш |

| Т/р | Давлат хизматлари реестри рақами | Давлат хизматининг номи | Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли органнинг номи | Давлат хизмати кўрсатилаётган ариза берувчилар тоифалари | Давлат хизмати кўрсатиш шакли (анъанавий ва электрон шаклда) | Тўлов тури | Давлат хизмати кўрсатиш натижаси |
|------------|----------------------------------|--|--|--|--|------------|----------------------------------|
| 66. | 00429 | Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома | Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Бепул | Келишиш |
| 67. | 00430 | Сув истеъмолчилари уюшмалари сув хўжалиги объектларидан сув ажратишнинг қўшимча тармоқларини ўрнатишга келишиш | Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Бепул | Келишиш |
| 005 | | Архитектура ва қурилиш соҳасида | | | | | |
| 68. | 0051 | Ер участкаси танлаш тўғрисидаги хулоса | «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» ДУК, «Тошкентбошплан ЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ-қурилишлойиҳа» МЧЖ | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Бепул | Хулоса |
| 69. | 0052 | Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолиятини лицензиялаш | Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Лицензия |
| 70. | 0053 | Кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш | Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Лицензия |
| 71. | 0054 | Баландликларда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш фаолиятини лицензиялаш | Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Лицензия |
| 72. | 0055 | Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш | Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Лицензия |
| 73. | 0056 | Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш | Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Лицензия |
| 74. | 0057 | Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, | Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Лицензия |

| Т/р | Давлат хизматлари реестри рақами | Давлат хизматининг номи | Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли органининг номи | Давлат хизмати кўрсатилаётган ариза берувчилар тоифалари | Давлат хизмати кўрсатиш шакли (анъанавий ва электрон шаклда) | Тўлов тури | Давлат хизмати кўрсатиш натижаси |
|-----|----------------------------------|--|--|--|--|------------|------------------------------------|
| | | қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш | | | | | |
| 75. | 0058 | Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар беришни келишиш | Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Пуллик | Хулоса |
| 76. | 0059 | Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш Бош бошқармасидан бузиладиган уй-жойлар тўғрисида маълумотлар олиш | Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Бепул | Маълумот |
| 77. | 00510 | Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш | Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Пуллик | Архитектура-режалаштириш топшириғи |
| 78. | 00511 | Объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсат бериш | Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Рухсатнома |
| 79. | 00512 | Қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсат | Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Рухсатнома |
| 80. | 00513 | Бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни (фасадини таъмирлашни) келишиш | Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Бепул | Келишиш |
| 81. | 00514 | Ер участкасини юридик ва жисмоний шахсларга бериш | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Қарор |
| 82. | 00515 | Юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун доимий фойдаланишга танлов асосида ер участкалари бериш | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Ҳоким қарори |
| 83. | 00516 | Ер участкасини ажратиш тўғрисида қарор | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Қарор |

| Т/р | Давлат хизматлари реестри рақами | Давлат хизматининг номи | Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли органнинг номи | Давлат хизмати кўрсатилаётган ариза берувчилар тоифалари | Давлат хизмати кўрсатиш шакли (анъанавий ва электрон шаклда) | Тўлов тури | Давлат хизмати кўрсатиш натижаси |
|------------|----------------------------------|---|---|--|--|------------|----------------------------------|
| 84. | 00517 | Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсатнома | Туман (шаҳар) ҳоқимликлари | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Ҳоқим қарори |
| 85. | 00518 | Лойиҳаларнинг дастлабки техник-иқтисодий асосланишини ёки дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китобини, техник-иқтисодий асосланишини ёки техник-иқтисодий ҳисоб-китобини ҳамда молиявий-иқтисодий ҳисоботини комплекс экспертизадан ўтказиш | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Хулоса |
| 006 | | Иқтисодиёт ва молия соҳасида | | | | | |
| 86. | 0061 | Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш, аввал рўйхатдан ўтказилган эмиссиявий қимматли қоғозларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш | Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Рўйхатдан ўтказиш |
| 87. | 0062 | Қимматли қоғозларни чиқаришни Ягона давлат реестридан чиқариш | Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази | Юридик шахс | Анъанавий | Бепул | Рўйхатдан чиқариш |
| 88. | 0063 | Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширишга доир берилган лицензия олиш бўйича хизмат кўрсатиш | Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Лицензия |
| 89. | 0064 | Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш | Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази | Жисмоний шахс | Анъанавий | Пуллик | Аттестат |
| 90. | 0065 | Лойиҳаларни маҳаллийлаштириш дастурига киритиш учун ҳужжатларни кўриб чиқишга топшириш | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги | Юридик шахс | Анъанавий ва электрон шаклда | Бепул | Хулоса |
| 91. | 0066 | Актуарий малака сертификатини бериш | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги | Жисмоний шахс | Анъанавий | Пуллик | Сертификат |
| 92. | 0067 | Лотерея ўйинлари ташкил этиш фаолиятига лицензия бериш | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Лицензия |

| Т/р | Давлат хизматлари реестри рақами | Давлат хизматининг номи | Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли органнинг номи | Давлат хизмати кўрсатилаётган ариза берувчилар тоифалари | Давлат хизмати кўрсатиш шакли (анъанавий ва электрон шаклда) | Тўлов тури | Давлат хизмати кўрсатиш натижаси |
|------------|----------------------------------|--|---|--|--|------------|---|
| 93. | 0068 | Давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича ариза бериш | Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Пуллик | Хусусийлаштиришга берилган аризага жавоб хати |
| 94. | 0069 | Фитосанитария сертификати | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси | Жисмоний ва юридик шахслар | Электрон шаклда | Пуллик | Сертификат |
| 95. | 00610 | Карантин рухсатномасини расмийлаштириш | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси | Жисмоний ва юридик шахслар | Электрон шаклда | Пуллик | Рухсатнома |
| 007 | | Инвестиция ва савдо соҳасида | | | | | |
| 96. | 0071 | Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий тижорат ташкилотлари ваколатхоналарини аккредитация қилиш | Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Электрон шаклда | Пуллик | Гувоҳнома |
| 97. | 0072 | Махсус турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятини, иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Бепул | Лицензия |
| 98. | 0073 | Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда технологик жараёнда фойдаланиладиган тоифага келтирилаётган технологик ускуналарни ва уларга эҳтиёт қисмларни, шунингдек компонентлар, хомашё ва материалларни киритиш тўғрисида хулоса | Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Пуллик | Хулоса |

| Т/р | Давлат хизматлари реестри рақами | Давлат хизматининг номи | Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли органнинг номи | Давлат хизмати кўрсатилаётган ариза берувчилар тоифалари | Давлат хизмати кўрсатиш шакли (анъанавий ва электрон шаклда) | Тўлов тури | Давлат хизмати кўрсатиш натижаси |
|------|----------------------------------|---|--|--|--|------------|----------------------------------|
| 99. | 0074 | Ташқи савдо келишувлари ва халқаро битимлар шартлари асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир бўлган енгиб бўлмас кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш учун сертификат | Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Пуллик | Сертификат |
| 100. | 0075 | Ўзларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сертификат олиш ички ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун корхоналар томонидан маҳсулотларни олиб келиш сертификати | Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Сертификат |
| 101. | 0076 | Товарларнинг келиб чиқиши тўғрисида сертификат | Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Пуллик | Сертификат |
| 102. | 0077 | Ташқи савдо контрактларини ҳисобга қўйиш | Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Бепул | Ҳисобга қўйиш |
| 103. | 0078 | Улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишни лицензиялаш | Туман (шаҳар) ҳокимликлари | Юридик шахс | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Лицензия |
| 104. | 0079 | Давлат ветеринария хизмати назоратидаги товарларни экспорт, импорт қилишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга рухсатнома | Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Бепул | Рухсатнома |
| 105. | 00710 | Кўчма савдога рухсатнома | Туман (шаҳар) ҳокимликлари | Юридик шахс | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Рухсатнома |
| 106. | 00711 | Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоғолли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Юридик шахс | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Гувоҳнома |
| 107. | 00712 | Алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаси | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Юридик шахс | Анъанавий ва электрон шаклда | Бепул | Гувоҳнома |
| 108. | 00713 | Бартер контрактлари (шартнома, битимлар)ни рўйхатга олиш | Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги | Юридик шахс | Анъанавий | Бепул | Рўйхатга олиш |
| 109. | 00714 | Биржа фаолиятини лицензиялаш | Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Лицензия |

| Т/р | Давлат хизматлари реестри рақами | Давлат хизматининг номи | Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли органининг номи | Давлат хизмати кўрсатилаётган ариза берувчилар тоифалари | Давлат хизмати кўрсатиш шакли (анъанавий ва электрон шаклда) | Тўлов тури | Давлат хизмати кўрсатиш натижаси |
|------------|----------------------------------|---|--|--|--|------------|-----------------------------------|
| | | | корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси | | | | |
| 110. | 00715 | «Ўзбекизоқовқатзахира» мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва гамлаш корхоналари уюшмаси таркибига қирадиган мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва гамлаш корхоналари, истеъмол товарлари улгуржи савдосини амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги | Юридик шахс | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Лицензия |
| 111. | 00716 | Экспорт шартномасини рўйхатга олиш тўғрисида гувоҳнома | Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Бепул | Экспорт контрактини рўйхатга олиш |
| 008 | | Маданият ва спорт соҳасида | | | | | |
| 112. | 0081 | Архив ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш ва архив ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасига олиб киришга рухсатнома | «Ўзархив» агентлиги | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Пуллик | Рухсатнома |
| 113. | 0082 | Тренерлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат | Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси | Жисмоний шахс | Анъанавий | Пуллик | Рухсатнома |
| 114. | 0083 | Маданий мерос объектларида тадқиқотлар, қидирувлар ўтказиш, маданий мерос объектларида илмий-консервация ва реставрация ишларини амалга ошириш учун рухсатнома | Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Бепул | Рухсатнома |
| 115. | 0084 | Миллий музей фондига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини ўзгаларга бериш ёки уларнинг универсал ҳуқуқий ворислик тартибида бир шахсдан бошқа шахсга ўтиши ёхуд бошқача тарзда бериш учун махсус рухсатнома бериш | Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Бепул | Рухсатнома |

| Т/р | Давлат хизматлари реестри рақами | Давлат хизматининг номи | Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли органнинг номи | Давлат хизмати кўрсатилаётган ариза берувчилар тоифалари | Давлат хизмати кўрсатиш шакли (анъанавий ва электрон шаклда) | Тўлов тури | Давлат хизмати кўрсатиш натижаси |
|------------|----------------------------------|--|--|--|--|------------|----------------------------------|
| 116. | 0085 | Аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намойиш этиш бўйича фаолият турларини амалга оширишга лицензия | «Ўзбеккино» миллий агентлиги | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Лицензия |
| 117. | 0086 | Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия | «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Пуллик | Лицензия |
| 118. | 0087 | Концерт-томоша тадбирига бир марталик рухсатнома | «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Рухсатнома |
| 119. | 0088 | Миллий музей фондининг Давлат каталогига музей ашёлари ва музей коллекцияларининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома | Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги | Жисмоний шахс | Анъанавий | Бепул | Гувоҳнома |
| 120. | 0089 | Маданий бойликларни очиқ савдога (аукционга) тақдим этишни келишиш | Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Бепул | Келишиш |
| 121. | 00810 | Олиб чиқилаётган ва олиб кирилаётган маданий бойликларни ҳисобга олиш ва олиб чиқиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар бериш | Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий | Пуллик | Сертификат |
| 009 | | Бандлик соҳасида | | | | | |
| 122. | 0091 | Маҳсулотлар, хизматлар, ходимлар ва бошқарув тизимини сертификатлаштириш соҳасида юридик шахсларни аккредитация қилиш | Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги | Юридик шахс | Анъанавий | Пуллик | Гувоҳнома |
| 123. | 0092 | Ўзбекистон Республикаси фуқароларига меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга чиқишга рухсатнома бериш | Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги | Жисмоний шахс | Анъанавий ва электрон шаклда | Бепул | Рухсатнома |
| 124. | 0093 | Ўзбекистон Республикасига хорижий ишчи кучларини жалб қилишга рухсатнома | Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги | Жисмоний ва юридик шахслар | Анъанавий ва электрон шаклда | Пуллик | Рухсатнома |
| 125. | 0094 | Фуқарони ишсиз деб топиш ва ишсизлик нафақасини тайинлаш бўйича ариза қабул қилиш хизмати | Бандликка кўмаклашиш маркази | Жисмоний шахс | Анъанавий ва электрон шаклда | Бепул | Маълумотнома |

| Т/р | Давлат хизматлари реестри рақами | Давлат хизматининг номи | Давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли органнинг номи | Давлат хизмати кўрсатилаётган ариза берувчилар тоифалари | Давлат хизмати кўрсатиш шакли (анъанавий ва электрон шаклда) | Тўлов тури | Давлат хизмати кўрсатиш натижаси |
|------------|----------------------------------|--|---|--|--|------------|---|
| 010 | | Фан ва таълим соҳасида | | | | | |
| 126. | 0101 | Таълим тўғрисидаги ҳужжатнинг дубликатини бериш | Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги | Жисмоний шахс | Анъанавий | Пуллик | Ҳужжат дубликати |
| 127. | 0102 | Олий таълим муассасасини тамомлаганлиги ҳақидаги дипломни тасдиқлаш маълумотномасини бериш | Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги | Жисмоний шахс | Электрон шаклда | Бепул | Маълумотнома |
| 128. | 0103 | Олий таълим муассасаларига (бакалаврият) ўқишга кириш учун ҳужжатлар топшириш | Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги | Жисмоний шахс | Анъанавий | Бепул | Рўйхатга олиш |
| 129. | 0104 | Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжатлар топшириш | Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар | Жисмоний шахс | Электрон шаклда | Бепул | Рўйхатга олиш |
| 130. | 0105 | Ўқувчиларни бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш | Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги | Жисмоний шахс | Анъанавий | Бепул | Мактабдан кетиш талони |
пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди турадиган жой — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Молия-иқтисод бошқармаси, доимий яшаш жойи бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси молиявий таъминот хизматлари (бундан буён матнда ички ишлар органлари молиявий таъминот хизматлари деб юритилади);

яшаш жойи — турар жой, квартира, хизмат турар жойи, ихтисослаштирилган уйлар (ётоқхона, пансионат, ёлғиз кексалар учун махсус уй, ногиронлар, фахрийлар учун интернат уй ва бошқалар), шунингдек пенсия учун мурожаат қилган жисмоний шахс ижарага олиш шартномаси (иккиламчи ижара), ижара шартномаси ёхуд конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўйича мулкдор сифатида доимий яшайдиган (доимий рўйхатдан ўтган) бошқа турар жой, доимий яшаш жойи мавжуд бўлмаган (доимий рўйхатдан ўтмаган) тақдирда — вақтинча яшаш (вақтинча рўйхатдан ўтиш) жойи.

2. Ички ишлар органлари ходимлари ёки уларнинг оила аъзоларига пенсиянинг қуйидаги турлари тайинланади:

хизмат муддатини ўтаганлиги бўйича пенсияси (уни олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда);

ногиронлик пенсияси;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси.

3. Ички ишлар органлари ходимлари ёки уларнинг оила аъзоларига нафақанинг қуйидаги турлари тайинланади:

хизматдан пенсияга чиқиш муносабати билан бўшатилаётган ходимларга тўланадиган нафақа;

ички ишлар органи пенсионери вафот этганлиги муносабати билан дафн этиш маросими учун унинг оила аъзоларига тайинланадиган нафақа.

Хизматдан пенсияга чиқиш муносабати билан бўшатилаётган ходимларга ва ички ишлар органи пенсионери вафот этганлиги муносабати билан дафн этиш маросими учун унинг оила аъзоларига бериладиган нафақалар бир марта тайинланади.

4. Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақа тўловлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2-боб. Пенсия ва нафақа тайинлашни расмийлаштириш

5. Хизматдан пенсияга чиқиш муносабати билан бўшатилган ходимга пенсия тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар ички ишлар органларининг кадрлар (бош) бошқармалари томонидан қабул қилинади.

6. Пенсия тайинлаш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат муддатини ўтаганлиги бўйича пенсия тайинлаш учун:

мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклда ариза;

фуқаролик паспортининг, никоҳ тузилганлиги ёки бекор қилинганлиги тўғрисидаги ва вояга етмаган фарзандларининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларнинг нусхалари;

хизмат йили ҳисоби;

пул таъминоти варақаси;

яшаш жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (бундан буён матнда Пенсия жамғармаси деб юритилади) туман (шаҳар) бўлимлари томонидан давлат пенсиялари тайинланмаганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

б) ногиронлик пенсияси тайинлаш учун мазкур банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга касаллик тарихидан кўчирма ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (бундан буён матнда ТМЭК деб юритилади) томонидан ногиронликни белгилаш тўғрисидаги маълумотнома;

в) боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинлаш учун:

мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклда ариза;

боқувчисининг вафот этганлиги тўғрисида ўлим гувоҳномаси нусхаси;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланаётган шахснинг фуқаролик паспорти, никоҳ тузилганлиги ёки бекор қилинганлиги тўғрисидаги ва вояга етмаган фарзандларининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларининг нусхалари;

яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари томонидан давлат пенсиялари ёки нафақалари тайинланмаганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

хизмат вазифаларини бажариш пайтида яраланиш, контузия олиш, майиб бўлиш ва касалланиш туфайли ўлим тўғрисида хулоса ва ходимнинг вафот этганлиги муносабати билан ички ишлар органларидаги шахсий таркиб рўйхатидан чиқарилганлиги тўғрисида буйруқдан кўчирма (зарур бўлганда);

фарзандлари ногиронлигини тасдиқловчи ТМЭК маълумотномаси (зарур бўлганда);

чин етимларга пенсия тайинланган ҳолатларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг васийлик ёки хомийликни тайинлаш тўғрисидаги қарори нусхаси;

ТМЭК томонидан ногиронлик белгиланганлиги тўғрисида маълумотнома (турмуш ўртоғи, ота-онасига пенсия тайинланганда);

пул таъминоти варақаси.

7. Ички ишлар органи пенсионери вафот этганлиги муносабати билан дафн этиш маросими учун унинг оила аъзоларига нафақа тайинлаш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

нафақа тайинлаш тўғрисида ариза (ихтиёрий шаклда);

мурожаат этган шахснинг фуқаролик паспорти нусхаси;

боқувчисининг вафот этганлиги тўғрисида ўлим гувоҳномаси нусхаси;

нафақа учун оила аъзоси мурожаат этмаган ҳолатларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан дафн маросимини ўтказган шахс тўғрисидаги маълумотнома.

8. Ички ишлар органларининг кадрлар (бош) бошқармаси масъул ходими томонидан ходимнинг хизматни ўтаганлиги тўғрисидаги маълумотлар пенсия тайинлаш учун аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида текширилади ҳамда календарь ва имтиёзли ҳисобга олинadиган даврлари, умумий хизмат йили ҳисоблаб чиқилади ва белгиланган тартибда тасдиқланади, шунингдек ҳисобланган хизмат йиллари ички ишлар органларининг молиявий таъминот хизматлари билан келишилади.

3-боб. Пенсия ва нафақаларни тайинлаш

9. Ички ишлар органларининг кадрлар (бош) бошқармаси томонидан пенсия ёки нафақа тайинлаш бўйича тўпланган ҳужжатлар ички ишлар органларининг молиявий таъминот хизматларига тақдим этилади.

10. Тақдим этилган ҳужжатлар асосида ички ишлар органларининг молиявий таъминот хизматлари томонидан пенсия тайинлаш тўғрисида мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ шаклда хулоса тайёрланади.

11. Пенсия тайинлаш тўғрисидаги хулоса ички ишлар органи раҳбари, унинг ўринбосари ёки ваколат берилган масъул ходим томонидан тасдиқланади.

Хулоса хизмат муддатини ўтаганлиги, ногиронлик ҳамда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлаш учун асос бўлади.

12. Пенсия тайинлаш тўғрисидаги хулоса тасдиқлангандан сўнг, мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ Пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдини қайд этиш китобига ёзиб қўйилади.

13. Пенсионернинг доимий яшаш жойи ўзгарганда, унинг аризасига мувофиқ, пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди янги яшаш жойи бўйича тегишли ички ишлар органларининг молиявий таъминот хизматларига юборилади.

Ички ишлар органларининг молиявий таъминот хизматларидан келиб тушган пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдлари, пенсия тўғри тайинланганлиги текширилгандан сўнг, Пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдини қайд этиш китобига ёзиб қўйилади.

Илгари тўхтатилган пенсия тўловлари тикланган тақдирда пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдлари унга янги тартиб рақам бериш орқали Пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдини қайд этиш китобига тегишли ёзув киритилади.

14. Пенсиялар қуйидаги муддатларда тайинланади:

хизмат муддатини ўтаганлиги бўйича пенсия — хизматдан бўшатишдан кундан эътиборан, аммо пул таъминоти тўланган кундан ортиқ бўлмаган муддатга қадар;

ногиронлик пенсияси — ТМЭК томонидан ногиронлик белгиланган кундан бошлаб, агар ногиронлик хизматни ўташ даврида ёки хизматдан

бўшатишдан кундан бошлаб уч ой ичида белгиланган бўлса ёки ногиронлик ушбу муддатдан сўнг белгиланган бўлсада, у хизмат вазифаларини бажариш пайтида яраланиш, контузия, майиб бўлиш ва касалланиш туфайли келиб чиққан бўлса;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси — меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларига боқувчиси вафот этган кундан бошлаб, ammo пул таъминоти ёки пенсия тўланган кундан ортиқ бўлмаган муддатга қадар, ота-онаси ёки турмуш ўртоғига, боқувчисини йўқотганлик оқибатида пенсия олишга ҳуқуқи пайдо бўлганда, пенсия тайинлаш учун мурожаат этган кундан бошлаб.

Махсус ва ҳарбий унвонлардан махрум қилинган шахслар ҳамда уларнинг оила аъзоларига пенсиялар Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари томонидан белгиланган тартибда тайинланади.

15. Пенсия ҳисоблаб чиқилган умумий хизмат йили ва пенсия миқдоридан норози бўлган тақдирда, унинг аризасига асосан, унинг умумий хизмат йили ва пенсия миқдори қайта ҳисоблаб берилиши мумкин.

16. Дафн маросими учун нафақа тайинлашда ариза томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ички ишлар органларининг молиявий таъминот хизматлари пенсия таъминоти бўлими ходими томонидан белгиланган тартибда ўрганиб чиқилади ва нафақа тўлови амалга оширилади.

Пенсия вафот этган тақдирда унинг оила аъзоларига ёки пенсионернинг дафн маросимини ўтказган шахсга вафот этган кундаги икки ойлик пенсияси миқдорида дафн маросими учун нафақа тайинланади.

4-боб. Пенсия ва нафақаларни тўлаш

17. Пенсия ва нафақа доимий яшаш жойи бўйича ички ишлар органлари молиявий таъминот хизматларининг пенсия таъминоти бўлимлари томонидан тўланади.

Пенсия ва нафақа банк пластик карточкалари ёки омонат ҳисоб рақамларига ўтказилган ҳолатларда, пенсионер пенсия олиш жойи бўйича ички ишлар органларининг молиявий таъминот хизматларига ариза билан мурожаат этади ва унга банк пластик карточкаси ёки омонат ҳисоб рақамининг очилганлиги тўғрисидаги маълумотнома, тижорат банклари ва мижоз ўртасида тузилган шартнома нусхалари илова қилинади.

18. Ички ишлар органлари ходимларининг пенсия ва нафақа тўловлари учун нақд пул маблағлари Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ва тижорат банклари томонидан таъминланади.

19. Пенсия ички ишлар органлари томонидан етказиб бериш (топшириш) даври бўйича тегишли ойнинг 27-санасидан кечиктирилмай амалга оширилади.

20. Дафн маросими учун нафақа тўлови пенсионер вафот этган кундан бошлаб олти ой муддат ичида мазкур Йўриқноманинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим қилган шахсга тўланади.

21. Хизматдан пенсияга чиқиш муносабати билан бўшатилаётган ходим-

ларга бир марта тўланидиган нафақа пули мазкур Йўриқноманинг 2-илова-сига мувофиқ хулоса асосида ходимнинг охирги иш жойидан тўланади.

22. Тугалланмаган ой учун тўланиши лозим бўлган пенсия миқдори жами пенсия миқдорини шу ойнинг календарь кунлар сонига бўлиш ҳамда ҳосил бўлган суммани ўтган кунлар сонига кўпайтириш орқали аниқланади.

Мисол учун:

Пенсия олувчига 20 июндан бошлаб 900 000 сўм миқдоридида пенсия тайинланди. Бунда 11 кун учун, яъни 20 — 30 июнь кунлари учун пенсионерга қуйидаги миқдорда пенсия тўланади:

$$900\ 000\ \text{сўм} / 30\ (\text{кун}) \times 11\ (\text{кун}) = 330\ 000\ \text{сўм}.$$

23. Пенсионер пенсия олиш учун ички ишлар органларига мурожаат қилганда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари (фуқаролик паспорти ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатлар (фуқаролик паспортини йўқотган фуқароларга ички ишлар органлари томонидан берилган вақтинчалик маълумот-нома) ва пенсия гувоҳномаси (зарур бўлганда) тақдим этиши лозим.

24. Пенсия ва нафақа тегишли ички ишлар органларининг вазначиси томонидан пенсионернинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати ва пенсия гувоҳ-номасини (зарур бўлганда) текширган ҳолда тўлов қайдномаси ёки чиқим касса ордерига мувофиқ тўланади.

25. Пенсия суммаси бир неча ой учун бир вақтда тўланган тақдирда жами пенсия суммаси учун битта чиқим касса ордери тузилиб, унда ҳар бир ой учун пенсия миқдори алоҳида кўрсатилади.

26. Пенсия ва нафақа тўловлари учун маблағларни банк пластик карточкаларига ўтказиш ички ишлар органлари томонидан уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банкига тақдим қилинадиган тўлов топшириқномаси ва унга илова қилинадиган тўлов қайдномалар (қоғоз шаклида ва электрон кўри-нишда) асосида амалга оширилади.

27. Тўлов топшириқномаси ва тўлов қайдномаси (қоғоз шаклида ва электрон кўринишда) тақдим қилинган санадан кейинги кундан кечиктир-масдан маблағлар хизмат кўрсатувчи тижорат банки томонидан пенсионер ёки нафақа олувчига очилган 22618 — «Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлари» ҳисобварағига ўтказиб берилади.

28. Банк пластик карточкалари орқали пенсия (тўлиқ миқдорда) олади-ган пенсионер ҳар олти ойда пенсия тўлайдиган ички ишлар органларига келиш йўли билан ўзининг пенсия суммасини олиш ҳуқуқини тасдиқлаши зарур.

Пенсионер белгиланган муддатда ички ишлар органларига келмаган тақдирда тегишли ички ишлар органлари ходимлари ўн кун мобайнида:

унинг тирик эканлиги;

ишга жойлашганлиги;

яшаш жойи ўзгарганлиги ёки чет элга кетганлиги;

жазони ўташ жойларида эканлиги;

кексалар ва ногиронларнинг интернат уйларида (пансионатларида) яшаёт-ганлиги ҳолатларини аниқлаш учун пенсионер яшайдиган жойга борадилар.

Олинадиган пенсияга пенсионернинг ҳуқуқи тасдиқланган тақдирда пенсияни тўлаш навбатдаги олти ойга давом эттирилади.

Пенсионернинг ҳуқуқлари тасдиқланмаган тақдирда, пенсияни тўлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тегишли органи вакиллари ва қўшнилари иштирокида тегишли ички ишлар органлари ходимлари томонидан тузилган тўланаётган пенсияни тўлашга ва унинг миқдори асосланганлигига таъсир кўрсатувчи ҳолатни тасдиқлайдиган далолатнома асосида тўхтатиб турилади.

Кўрсатиб ўтилган далолатнома асосида тегишли ички ишлар органи пенсияни тўлашни тўхтатиб туриш (тўхтатиш) ёки унинг миқдорини ўзгартириш тўғрисида тегишли қарор қабул қилади.

29. Бир ойдан кўп бўлмаган муддат учун пенсия тўловини муддатидан олдин амалга ошириш пенсионернинг аризасига асосан ички ишлар органлари раҳбарларининг рухсати билан қўйидаги ҳолларда амалга оширилади: пенсионер санаторий-курорт муассасаларига даволаниш учун бормоқчи бўлганида (йил давомида бир маротаба);

пенсионернинг мулкига зарар етказувчи фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда;

пенсионернинг оила аъзолари (яқин қариндошлари) вафот этганда ва бу ҳақда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан берилган тегишли ҳужжат тақдим қилинганда.

30. Пенсия тўлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома бўйича амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида расмийлаштирилган ишончномага ушбу ҳужжатни расмийлаштирган давлатнинг ваколатли давлат органи томонидан апостиль қўйилиши лозим, бундан Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар конвенциясининг (Минск шаҳри, 1993 йил 22 январь) иштирокчиси бўлган давлатлари — Мустақил давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар мустасно. Бунда ишончнома берган шахс пенсия тўлайдиган ички ишлар органларига бир йилда камида бир марта келиб тайинланган пенсияга бўлган ўз ҳуқуқини тасдиқлаши керак.

Ишончли вакил пенсия тўлашга таъсир этиши мумкин бўлган, ўзига маълум барча ҳолатлар тўғрисида ички ишлар органларига хабар бериши шарт.

31. Ишончнома асосида пенсия тўлашда ички ишлар органларининг вазначиси пенсия олувчи шахснинг чиқим касса ордеридаги ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатдаги имзоларини ўзаро солиштиради.

Бир неча ойга берилган ишончнома орқали пенсия тўлови амалга оширилганда чиқим касса ордерида ишончнома мавжудлиги ва унинг амал қилиш муддати кўрсатиб ўтилади. Ишончнома пенсионернинг пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдида сақланади.

Бир марталик ишончнома орқали пенсия тўланганда, ишончнома чиқим касса ордерида илова қилинади.

32. Доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига кетишгача тайинланган пенсия (Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тўғри-

сида халқаро шартномалар тузган давлатлар бундан мустасно) ички ишлари органларининг молиявий таъминот хизматларига кетиш тўғрисида ариза берилган кундаги пенсия миқдори ҳисоб-китобидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ташқарисига жўнаб кетишдан олти ой аввал Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида тўланади.

Пенсия тўланадиган олти ойлик давр Ўзбекистон Республикаси ташқарисига доимий яшаш учун кетишдан аввалги олти ой учун пенсия тўлаш учун аризада кўрсатилган санадан бошлаб ҳисоблаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тўғрисида халқаро шартномалар тузган Ўзбекистон Республикаси ташқарисига давлатга доимий яшаш учун кетилган кунгача тайинланган пенсия турар жойидан рўйхатдан чиққан ойнинг охиригача тўланади.

Ўзбекистон Республикаси ташқарисига доимий яшаш учун кетаётган фуқароларга пенсияни тўлаш унинг аризаси ва «Доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқарилди» деган белги бўлган шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида тўхтатилиши мумкин.

33. Тайинланган пенсияни тўлаш:

пенсионер вафот этганда;

тайинланган пенсияга ҳуқуқлар йўқолганда;

доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетганда;

хорижий давлатда бўлган даврида пенсия (ижтимоий нафақа) олганлиги ҳолати аниқланганда тўхтатилади.

34. Тайинланган пенсияни тўлаш:

пенсия тўлаш муддати тамом бўлганда;

пенсионер озодликдан маҳрум этилганда;

пенсияни тўлашни тўхтатиб туриш тўғрисида пенсионер томонидан ариза билан мурожаат қилинганда тўхтатиб турилади.

Пенсияни тўлаш пенсионер ёки унинг васийси тегишли ички ишлар органига шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этган ва ариза билан мурожаат қилган тақдирда қайта тикланади.

35. Пенсионернинг суд ҳукми бўйича озодликдан маҳрум этиш жойларида бўлган вақти учун пенсия тўланмайди. Пенсионер суд ҳукми билан тайинланган жазони ўтаб, ундан озод бўлгандан кейин пенсияни тўлаш ички ишлар органига ариза берилган кундан бошлаб тикланади.

36. Агар ногирон пенсионер тайинланган муддатда қайта тиббий кўриқдан ўтиш учун ТМЭКга узрли сабабларсиз (ногиронлик муддати тугаган кундан бир ой муддат мобайнида) келмаса, унга пенсия тўлаш тўхтатиб турилади, у яна ногирон деб эътироф этилган тақдирда тўхтатиб турилган кундан бошлаб тикланади. Қолган ҳолатларда пенсия мурожаат қилинган санадан бошлаб тўланади.

Узрли сабабга кўра қайта тиббий кўриқдан ўтиш муддати ўтказиб юборилган тақдирда, пенсияни тўлаш тўлов тўхтатиб турилган кундан бошлаб қайта текшириш кунигача, бироқ, агар ТМЭК уни бу даврда ногирон деб эътироф этса, 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга амалга оширилади. Бунда

агар қайта текшириш чоғида ногирон ногиронликнинг бошқа гуруҳига (юқори-роқ ёки пастроқ гуруҳга) ўтказилган бўлса, у ҳолда кўрсатиб ўтилган вақт учун пенсия олдинги гуруҳ бўйича тўланади.

37. Пенсияга ҳисоблаб чиқариб қўйилган, лекин унинг томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсия пули пенсияни олиш мақсадида мурожаат этилганидан олдинги ўн икки ойдан ошмаган давр учун тўланади.

Ички ишлар органи молиявий таъминот хизматининг айби билан ўз вақтида олинмай қолган пенсия пули ўтган давр учун муддати чекланмаган ҳолда тўланади.

Бунда ўтган давр учун тўловлар бир йўла тегишли ойлар учун ҳисоблаб чиқариб қўйилган ва олинмаган пенсиянинг суммаларига мос миқдорда тўланади.

38. Ишлаб турган пенсионерларга пенсия тўлаш Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2222, 2011 йил 30 апрель) мувофиқ амалга оширилади.

39. Пенсия миқдори ўзгаришига ёки пенсия тўлаш тўхтатилишига сабаб бўладиган ҳолатлар юз берган тақдирда (ишга кириш, оила аъзолари таркибининг ўзгариши, тўлиқ давлат таъминотига ўтиш ва шу кабилар) пенсия олувчи ўн кун муддатда бу ҳақда ўзига пенсия тўлайдиган тегишли ички ишлар органига маълум қилиши шарт.

Бунда пенсияни қайта ҳисоблаш мазкур ҳолатлар вужудга келган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бошланганлиги тўғрисида ички ишлар органларига ўз вақтида хабар берилмаслиги муносабати билан пенсиянинг ноқонуний суммаси пенсионер ёки қонуний вакил (ота-она), шунингдек ишонч билдирилган (пенсионернинг вафоти ҳолати қасддан яширилган тақдирда) томонидан қайтарилиши лозим.

40. Пенсияга берилиши керак бўлган ва унинг вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсия суммаси мерос таркибига киритилмайди ва боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланадиган шахслар доирасига тегишли оила аъзоларига тўланади. Ота-оналар, эри (хотини), шунингдек пенсионер вафот этган кунда у билан бирга яшаган оила аъзолари, агар улар боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсияси билан таъминланадиганлар доирасига кирмаган тақдирда ҳам ушбу суммаларни олиш ҳуқуқига эга.

Пенсионер вафот этган ой учун олинган пенсия суммаси оиланинг кўрсатиб ўтилган аъзоларига унинг вафотигача ушбу ойнинг кунлари учун тўланади.

Оиланинг бир неча аъзолари мурожаат қилган тақдирда, уларга берилиши керак бўлган пенсия суммаси улар ўртасида тенг тақсимланади.

Кўрсатиб ўтилган сумма, унинг учун пенсионер вафот этгандан сўнг олти ойдан кечикмай мурожаат қилинган тақдирда тўланади.

5-боб. Пенсиялардан чегирмалар қилиш

41. Пенсиялардан қуйидаги ҳолларда чегирмалар қилинади:

суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари ва ҳукмлари (мулкӣ ундиришлар борасида), нотариал идораларнинг ижро варақалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижроси суд ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга ошириладиган бошқа ҳал қилув қарорлари ва қарорлар асосида;

ички ишлар органларининг қарорига биноан пенсионерга у томонидан қилинган суиистеъмолликлар (қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмаганлиги) натижасида ёхуд ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида пенсия миқдоридан ортиқча пуллар тўланган тақдирда.

Пенсиялардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳоллардан ташқари бошқа ҳеч қандай чегирмалар қилиш мумкин эмас.

Пенсиядан чегирмалар қилиш миқдори пенсионерга тўланиши лозим бўлган пулдан ҳисоблаб чиқарилади.

Ҳар ойлик чегирмалар миқдори пенсиянинг 50 фоизидан ошиши мумкин эмас.

42. Пенсионер ихтиёрий равишда алимент тўлаш истагини билдирганда, унинг аризасида ҳар ойлик ундириладиган алимент миқдори (ҳужжатларда кўрсатилган фоизларда ёки пенсия олувчи томонидан белгиланган суммада), ундириш муддати ва алимент ундирувчи шахснинг манзили, фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

Ихтиёрий равишда тўланаётган алимент миқдори ва чегирма қилиш муддатига ўзгартириш киритиш ёки бекор қилиш пенсионернинг аризасига асосан амалга оширилади.

43. Пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдига пенсиядан алиментларни чегирма қилиш тўғрисида тегишли ёзувлар киритилади. Ушбу ёзувлар ички ишлар органлари молиявий таъминот хизматлари бошлиқлари ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан кўриб чиқилади ва имзоланади.

44. Алимент пуллари почта орқали юборилганда, почта харажатлари алимент тўловчи ҳисобидан қопланади.

45. Ижро ҳужжатида пенсиядан чегирмалар тури кўрсатилмаган ҳолларда бу ҳақда Мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимларига ёзма равишда хабар берилади.

46. Бир нафар пенсионерга нисбатан бир нечта ижро ҳужжатлари келиб тушганда пенсиялардан чегирмалар Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 80-моддасига мувофиқ навбат тартибида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 79-моддаси иккинчи қисмига асосан ҳар бир кейинги навбатдаги талаблар ўзидан олдинги навбатдаги талаблар тўлиқ қондирилгандан кейин қаноатлантирилади.

Ундирилган сумма бир навбатдаги барча талабларни тўла қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, улар ҳар бир ундирувчига тегишли суммага муносиб равишда қаноатлантирилади.

47. Ундирув қаратилган пенсионернинг доимий яшаш (пенсия тўлаш) жойи ўзгарганда ижро ҳужжати юборилган манзил тўғрисида Мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимлари хабардор қилинади.

48. Ижро ҳужжатлари ҳамда пенсионерларнинг аризалари бўйича пенсиядан чегирма қилиш мазкур Йўриқноманинг 33-бандида назарда тутилган ҳолларда тўхтатилади.

Бундай ҳолларда пенсиядан чегирма қилиш бўйича ижро ҳужжатлари Мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимларига қайтарилади, ариза эса пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади.

6-боб. Пенсия ва нафақа тўлови учун маблағлар ҳисоби ва ҳисоботини юритиш

49. Пенсия ва нафақа тўлови учун харажатлар ҳисоби ички ишлар органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бюджет ташкилотлари учун белгиланган тартибда бухгалтерия ҳужжатлари ва пенсионернинг пенсияга оид ҳужжатлари йиғмажилдларида юритилади.

50. Ички ишлар органлари томонидан пенсия ва нафақа тўловига оид ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шакл ва муддатларда тақдим этилади.

51. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан пенсия ва нафақа тўловига оид ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

52. Пенсия ва нафақаларнинг тўғри тайинланиши ва тўланишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

53. Мазкур Йўриқнома талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

54. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Марказий банки билан келишилган.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2018 йил 13 февраль

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 13 февраль

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2018 йил 13 февраль

Ички ишлар органлари ходимларига пенсия
ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
1-ИЛОВА

_____га

(молиявий таъминот хизмати)

_____дан

(Ф.И.О.)

(яшаш манзили: вилоят, туман, кўча, уй)

(почта индекси)

(телефон рақами)

АРИЗА

Сиздан _____

(пенсия тури кўрсатилади)

_____ тайинлашингизни сўрайман.

Аризамга қуйидаги ҳужжатларни илова қиламан:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
6. _____

Агар ишга кирсам, бу ҳақида ички ишлар органи молиявий таъминот хизматига 10 кун ичида хабар қиламан.

20 ____ й. « ____ » _____
(тўлдирилган сана)

_____ (аризачининг имзоси)

20 ____ й. « ____ » _____
(қабул қилинган сана)

_____ (қабул қилган шахснинг имзоси)

Ички ишлар органлари ходимларига пенсия
ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»

(лавозими ва унвони)

(имзо)

(Ф.И.О.)

«_____» _____ 20__ йил

**Хизмат муддатини ўтаганлиги бўйича,
ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик пенсиясини
тайинлаш тўғрисида
Х У Л О С А**

1. _____
(охирги иш жойи)

2. _____
(лавозими, унвони)

(Ф.И.О.)

(тутилган йили, ой ва санаси)

3. Хизматдан бўшатиш асоси: _____

4. Хизмат йили: календарь ҳисобда — _____ йил, имтиёзли ҳисобда — _____ йил.

5. ТМЭК томонидан «_____» гуруҳ ногиронлиги белгиланган.

6. Пенсия тайинлашда инobatга олинган пул миқдори:

а) мансаб маоши _____ сўм

б) унвон маоши _____ сўм

в) _____ коэффиценти _____ сўм

г) кўп йиллик хизмати учун
фоиз қўшимча 25 % _____ сўм

д) озиқ-овқат ўрнига
тўланадиган товон пули _____ сўм

Жами: _____ сўм

7. Пенсия тайинланадиган оила аъзолари (боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланганда):

| Қариндошлик даражаси | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили, ойи ва куни | Туғилганлик гувоҳномаси серияси ва рақами |
|----------------------|---------------------------------|----------------------------|---|
| | | | |
| | | | |
| | | | |

8. _____ (Ф.И.О.) га 20__ йилнинг «___» _____дан пенсия олиш ҳуқуқига эга.

_____ га асосан, хизмат йили бўйича пул миқдорининг _____ % ҳар ойига _____ сўм миқдорида пенсия белгиланди.

9. Пенсия тўлаш шартлари: ойлик маошини ҳисобга олган холда.

10. Бир йўла тўланадиган нафақа: _____ сўм миқдорида тўланди.

Хулосани тузди:

Молиявий таъминот хизмати
Пенсия таъминоти бўлими
инспектори

_____ (унвони)

_____ (Ф.И.О.)

Текширди:

Молиявий таъминот хизмати
Пенсия таъминоти бўлими
бошлиғи

_____ (унвони)

_____ (Ф.И.О.)

Пенсия гувоҳномасини олдим: _____ (пенсионернинг Ф.И.О.) _____ (имзоси)

Пенсия гувоҳномасининг тартиб рақами: _____
20__ йил «___» _____.

«РОЗИМАН»

Молиявий таъминот
хизмати бошлиғи

_____ (унвони ва Ф.И.О.)

_____ (имзо)

20__ йил «___» _____

Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва
нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
3-ИЛОВА

Пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдини қайд этиш
КИТОБИ

| Т/р | Пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилди тартиб рақами | Ф.И.О., туғилган санаси, унвони, бўшатишган санаси | Ишлаган жойи ва лавозими | Қўшимчалар | Пенсия турлари | | | Пенсия миқдори | Изоҳ |
|-----|---|--|-----------------------------|------------|---------------------------------|----------------------|--|-------------------|------|
| | | | | | ҳодим | | боқувчисини йўқотганлиги ҳолати бўйича | | |
| | | | | | кўп йиллик хизмати бўйича | ногиронлик бўйича | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

170 «Телекоммуникация хизматларидан олинадиган даромадларни шакллантириш ва тақсимлаш ва уларни «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2268-1

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2011 йил 19 августдаги 55, 2011-28, 04-8/3508-сон «Телекоммуникация хизматларидан олинадиган даромадларни шакллантириш ва тақсимлаш ва уларни «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2268, 2011 йил 27 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 39-сон, 406-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2018 йил 15 февраль,
25-сон

Д. КУЧКАРОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2018 йил 15 февраль,
2018-09-сон

Б. ПАРПИЕВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 мартда эълон қилинган.

**Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазири в. б.**

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 февраль,
08/4-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат солиқ
қўмитаси ва Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш
вазирлигининг 2018 йил 15 февралдаги
25, 2018-09 ва 08/4-сон қарорига
ИЛОВА

**Телекоммуникация хизматларидан олинadиган
даромadларни шакллантириш ва тақсимлаш ва уларни
«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бухгалтерия
ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарор муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ва «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги **қарор қилади:**».
2. Низом муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ва «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 июндаги 253-сон «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги ва 2001 йил 27 декабрдаги 488-сон «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясини хусусийлаштиришга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ телекоммуникация хизматларидан олинadиган даромadларни шакллантириш ва тақсимлаш ҳамда уларни «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг (кейинги ўринларда «Ўзбектелеком» АК деб юритилади) бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини белгилайди.».
3. Мазкур ўзгартиришлар «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси билан келишилган.

**«Ўзбектелеком» АК
бош директори**

Ш. КАДИРОВ

2018 йил 15 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**173 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 55-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2018 йил 1 мартдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **бюраман:**

1. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 15 февралдаги НЗК/763-18-сон Маҳаллий йўловчи ташиш йўналишидаги фирма поезди ҳақида низомни (рўйхат рақами 55, 1994 йил 27 май) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш масаласи юзасидан хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Маҳаллий йўловчи ташиш йўналишидаги фирма поезди ҳақида низом (рўйхат рақами 55, 1994 йил 27 май) давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазирнинг биринчи
ўринбосари**

Н. ЖЎРАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 март,
122-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 24 февралдан 2 мартгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 12 февралдаги 21, 4-сон «Махсус сўйиш корхоналарида ва майдончаларида чорва молларни сўйиш, чорва молларни сўйиш билан шуғулланувчи шахсларга рухсат берувчи гувоҳномаларни бериш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1611-3.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2018 йил 19 январдаги 01-02/12-4 ва 3/189-255-сон «Карнет ТИР — ХЙТ дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенциясини (ХЙТ Конвенцияси, 1975 й.) қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 290-4.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 31 январдаги 14-сон «Актуарий малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1725-2.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 1 февралдаги 15-сон «Аудиторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 977-8.

5. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 5 февралдаги 01/19-10/10-сон «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш мил-

лий стандарти (9-сон МБМС) «Бизнес қийматини баҳолаш» иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2026-3.

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 14 февралдаги 22-сон «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакли «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» — 2-сонли шакл — суғуртага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1945-5.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлигининг 2018 йил 22 февралдаги 22, 5, К-2-сон «Бозорларда ва савдо шохобчаларида гўшт маҳсулотларини сотишга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1610-2.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 22 февралдаги 31, 2018-10-сон «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1749-3.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 3, 164-мх-сон «Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2976.

10. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 5 февралдаги 01/19-10/09-сон «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (8-сон МБМС) «Хусусийлаштириш мақсадида мулк қийматини баҳолаш»нинг 52-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2025-3.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2018 йил 12 февралдаги 26, 2, 01-33-сон «Трансйўлқурилиш» компанияси бажарган

механизациялашган ишлар учун пудратчи ташкилотлар томонидан тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1797-1.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2018 йил 12 февралдаги 27, 6, 1-сон «Буюртмачилар ва пудрат ташкилотлари томонидан давлат бюджети маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига молияланадиган қурилиш объектлари учун харид қилинадиган ускуналар, бинокорлик материаллари ва конструкцияларининг энг юқори нархларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1035-1.

13. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 февралдаги 34-сон «Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240-3.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 13 февралдаги 10, 1-18-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги пенсионерларига пенсиялар тўлаш бўйича вақтинчалик тартибни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 857-1.

15. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 13 февралдаги 36-сон «Ички ишлар органлари ходимларига пенсия ва нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2977.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 15 февралдаги 25, 2018-09, 08/4-сон «Телекоммуникация хизматларидан олинadиган даромадларни шакллантириш ва тақсимлаш ва уларни «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2268-1.

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 16 февралдаги 29, 01/15-10/11-сон «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» ОАЖ ва унинг ҳудудий корхоналари томонидан рангли металл парчалари ва чиқиндиларини харид қилиш нархини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1615-1.

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 22 февралдаги 30, 116-В-7-сон «Давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича ҳисоб-китоблар жамғармаси тўғрисидаги низомни, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 612-7.

19. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 1 мартдаги 122-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 55-1.

20. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 1 февралдаги 16-сон «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 1 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1209-9.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Махсус сўйиш корхоналарида ва майдончаларида чорва молларни сўйиш, чорва молларни сўйиш билан шуғулланувчи шахсларга рухсат берувчи гувоҳномаларни бериш ва рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1611, 2006 йил 10 август), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1611-1, 2013 йил 2 апрель), (рўйхат рақами 1611-2, 2014 йил 11 июль).

Адлия вазирининг 2018 йил 27 февралдаги 104-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлигининг «Бозорларда ва савдо шохобчаларида гўшт маҳсулотларини сотишга қўйиладиган талаблар тўғри-

сидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1610, 2006 йил 10 август), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1610-1, 2013 йил 22 апрель).

Адлия вазирининг 2018 йил 27 февралдаги 110-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Ўзавтойўл» Давлат-акциядорлик компаниясининг «Трансйўлқурилиш» компанияси бажарган механизациялашган ишлар учун пудратчи ташкилотлар томонидан тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1797, 2008 йил 22 апрель).

Адлия вазирининг 2018 йил 1 мартдаги 114-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг «Буюртмачилар ва пудрат ташкилотлари томонидан давлат бюджети маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига молияланадиган қурилиш объектлари учун харид қилинадиган ускуналар, бинокорлик материаллари ва конструкцияларининг энг юқори нархларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ни қарори (рўйхат рақами 1035, 2001 йил 26 май).

Адлия вазирининг 2018 йил 1 мартдаги 115-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги пенсионерларига пенсиялар тўлаш бўйича Вақтинча тартиб (рўйхат рақами 857, 1999 йил 22 декабрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 1 мартдаги 117-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» ОАЖ ва унинг ҳудудий корхоналари томонидан рангли металл парчалари ва чиқиндиларини харид қилиш нархини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1615, 2006 йил 18 август).

Адлия вазирининг 2018 йил 1 мартдаги 120-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

7. Давлат эҳтиёжлари учун сотиб олиннадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича ҳисоб-китоблар жамғармаси тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 612, 1999 йил 28 январь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 612-1, 2000 йил 25 февраль), (рўйхат рақами 612-2, 2002 йил

31 январь), (рўйхат рақами 612-3, 2004 йил 1 ноябрь), (рўйхат рақами 612-4, 2005 йил 8 сентябрь), (рўйхат рақами 612-5, 2009 йил 19 август), (рўйхат рақами 612-6, 2016 йил 1 декабрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 1 мартдаги 121-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

8. Маҳаллий йўловчи ташиш йўналишидаги фирма поезди ҳақидаги низом (рўйхат рақами 55, 1994 йил 27 май).

Адлия вазирининг 2018 йил 1 мартдаги 122-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

